



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ВЕНГРИЯГА РАСМИЙ ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев рафиқаси билан бирга 3 октябрь куни расмий ташриф билан Будапештга келди.

Ференц Лист номидаги халқаро аэропортда давлатимиз раҳбарининг ташрифи муносабати билан Ўзбекистон ва Венгрия байроқлари кўтарилиб, фахрий қоровул саф тортиди.

Мамлакатимиз етакчисини Венгрия иқтисодий ривожланиш

вазир Мартон Надь ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Саммитнинг асосий тадбирлари 4 октябрь кунига мўлжалланган. Венгрия Президенти Каталин Новак билан учрашув бўлиб ўтди. Сўнг Президент Шавкат Мирзиёев ва

Бош вазир Виктор Орбан тор доирада ва кенгайтирилган таркибда учрашув ўтказадилар. Яқунда икки томонлама ҳужжатларнинг салмоқли тўплами имзоланиши кутилмоқда.

Президентимизнинг ташрифи доирасида Венгриянинг етакчи компаниялари ва молиявий тузилмалари раҳбарлари билан ҳам учрашув кўзда тутилган.

ЎЗА

Элчи Абат ФАЙЗУЛЛАЕВ:

БУДАПЕШТДА БЎЛИБ ЎТАДИГАН ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ ЎЗБЕКИСТОН – ВЕНГРИЯ МУЗОКАРАЛАРИ МАМЛАКАТЛАРИМИЗ ЎРТАСИДАГИ УЗОҚ МУДДАТЛИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК РИВОЖИГА ЗАМИН ЯРАТАДИ

3 октябрь куни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Венгрияга расмий ташрифи бошланди. Мамлакатимизнинг Венгриядаги элчиси Абат Файзуллаев “Дунё” ахборот агентлигига Ўзбекистон – Венгрия муносабатларининг бугунги ҳолати ва ташрифдан қандай натижалар кутилаётгани ҳақида сўзлаб берди.



— Ўзбекистон ва Венгрия стратегик шериклардир. Ўзаро муносабатлар ривожланишининг бугунги даражаси ва уларнинг истиқболлари қандай?

— Тўғри айтдингиз. Ўзбекистон билан Венгрия ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик даражасига кўтарилган. Тегишли қўшма декларация Венгрия Бош вазир Виктор Орбаннинг 2021 йил март ойида Ўзбекистонга ташрифи чоғида имзоланган эди. Венгрия бизнинг Европадаги ўта муҳим стратегик шеригимиздир.

Жорий йилда мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар

ўрнатилганининг 30 йиллиги нишонланади. Ҳамкорлигимизни янада чуқурлаштириш учун Ўзбекистон Президенти икки томонлама ҳамкорликнинг замонавий тарихида биринчи марта Ўзбекистоннинг Венгриядаги Фавқуллоҳ ва мухтор элчисини (қароргоҳи — Вена шаҳрида) тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Жорий йил 17 август куни Венгрия Президенти Каталина Новакка ишонч ёрлигини топшириш шарафига муяссар бўлдим. У Ўзбекистондаги кенг қўламли ислохотларга юксак баҳо берди. Венгрия Президенти мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва

кўп қиррали алоқаларни барча соҳаларда янада мустаҳкамлашга тайёр эканини таъкидлади.

Бугунги кунда сиёсий мулоқотлар изчил ривожланмоқда. Венгрия Бош вазир Виктор Орбан 2021 йил март ойида расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Жорий йил 14 апрель куни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Венгрия Бош вазир Виктор Орбан ўртасида телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди. Унинг якунлари буйича 2022 йилда Ўзбекистон Президентининг Будапештга жавоб ташрифини ташкил этиш тўғрисида келишувга эришилди.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ–60-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2022 йилдаги “очиқ мулоқоти”да белгиланган вазифаларни амалга ошириш, шунингдек, экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Белгилансинки, **2022 йил 1 ноябрдан бошлаб:** бир экспорт шартномаси доирасида келиб тушмаган валюта суммаси экспортга юкланган жами маҳсулот нархининг **5 фоизидан ошмаган тақдирда муддати ўтган дебитор қарздорлик ҳисобланмайди** ва тадбиркорлик субъектига нисбатан жарима қўлланилмайди; экспорт қилувчи ташкилотларга **фойда солиғи** ва айланмадан олинадиган **солиқ бўйича солиқ солинадиган**

базани камайтириш кўринишидаги имтиёзлар товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилишдан тушган умумий тушумдаги **экспорт ҳажмининг улушидан қатъи назар қўлланилади;**

қовун (ТИФ ТН коди 1207 70 000 0), **канакунжут** (ТИФ ТН коди 1207 30 000 0), **хантал** (ТИФ ТН кодлари 1207 50 100 0, 1207 50 900 0) ва **максар** (ТИФ ТН коди 1207 60 000 0) **уруғлари экспортга рухсат берилди.**

2. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг экспортчи корхоналарни очиқ танлов орқали саралаб, уларни етакчи экспортёрларга айлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича **“Янги Ўзбекистон — рақобатбардош маҳсулотлар юрти” дастури** (кейинги ўринларда — Дастур) амалга ошириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Давоми 2-бетда

МУНОСАБАТ

ТАҚДИМОТДА БЕРИЛГАН ВАЗИФАЛАР

салоҳиятли кадрлар тайёрлаш истиқболлини белгилайди



Ўзбекистон Президенти ҳузурда шу йил 27 сентябрь куни архитектура-қурилиш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган тақдимотда бугун шиддат билан ривожланаётган архитектура, қурилиш ва шаҳарсозлик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини халқаро даражага олиб чиқишга доир устувор вазифалар белгилаб берилди.

Хусусан, Тошкент архитектура-қурилиш институти фаолияти яқин кунларда трансформация қилинади. Университет даражасига кўтарилади, унга академик ва молиявий мустақиллик берилди. Олий таълим муассасаси муҳандислик, архитектура, қурилиш ва қурилиш материаллари технологияси, менежмент ва рақамли қурилиш йўналишларига ихтисослаштирилади. Уқув, илмий ва маъмурий жараёни, молия-ҳўжалик фаолиятини бошқариш тўлиқ рақамлаштирилади.

Илғор хорижий тажриба ҳамда халқаро стандартлар асосида институтни трансформация қилиш, таълим жараёнига инновацион технологияларни қўллаш, илмий-тадқиқот ишлари самардорлигини ошириш, таълим — илмфан — ишлаб чиқариш интеграциясини мустаҳкамлаш, таълим жараёнига инновацион ўқитишнинг шакл ва методларини, замонавий педагогик, ахборот технологияларини кенг жорий этиш, илмий салоҳиятни юксалтириш муҳим аҳамият касб этади.


Давоми 5-бетда

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

Конституциявий ислоҳот: ЯНГИ ЎЗГАРТИШЛАР БАХТЛИ КЕЛАЖАК АСОСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг тегишли қўмиталари ва Конституциявий комиссия аъзолари “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги конституциявий қонун лойиҳасини умумхалқ муҳокамаси жараёнида келиб тушган таклифлар асосида маромига етказиш устида фаол иш олиб бормоқда. Бу жараёнда қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасидан кейин ҳам жамоатчилик билдирган тавсия ва таклифлардан келиб чиққан ҳолда, янги нормалар билан бойитилмоқда. Янги таклиф этилаётган нормаларнинг халқимиз фаровонлигини ошириши, юртимиз тараққиётини юксалтиришдаги ўрни ҳақида мутахассисларнинг фикрлари билан танишасиз.

Давоми 3-бетда




ТОМОРҚА — ДАРОМАД МАНБАИ



Узун туманининг Янги рўзгор маҳалласи Нурафшон кўчасида 114 та хонадон бор. Кўчага қирган киши хонадон эгалари меҳнатига қойил қолади. Кўчанинг қарама-қарши томонида жойлашган уйлар оралиғи 15 метр. Саккиз метри асфальтланган йўл. Йўлнинг икки четига бетон ариқчалардан жилдираб оқаётган сувдан хонадонлар томорқасини сугоради. Қўшнилarning уйи ораси 25 метр. Аҳоли уйларнинг орқа томонида, яъни 25 метр ораликда 7-8 тупдан ток ниҳоли кўқартириб, ишқомга кўтарган.

Давоми 4-бетда



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланғич 1-бетда

Бунда, Дастур доирасида экспортчи корхоналарни саралаб олиш қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилади:

экспортчи корхоналар юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтган ҳамда камида сўнгги икки йил давомида фаолият юритаётган бўлиши;

охирги 12 ой мобайнида экспорт қилинган тайёр маҳсулот суммаси 1 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлиши;

умумий тушум ҳажмида экспортдан тушум улуши 30 фоиздан юқори бўлиши;

охирги 12 ой мобайнида экспорт географияси, қўшни давлатларни инobatла олмаган ҳолда, 2 та мамлакатдан ортиқ бўлиши;

охирги 12 ой мобайнида амалга оширилган экспорт ҳажмида мuddати ўтган дебитор қарздорлигининг улуши 5 фоиздан кам бўлиши.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги корхоналар рўйхати мазкур мезонларга

мувофиқ Экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш ягона порталида (www.exportportal.uz) онлайн тартибда автоматик тарзда рейтинг асосида шакллантирилиши ва ҳар 6 ой мобайнида янгилаб борилишини таъминласин.

3. Қуйидагилар:

а) Дастурнинг босқичма-босқич 200 та (рейтинг асосида биринчи босқичда 50 та, 2023 йил 1 январдан бошлаб 100 та, 2023 йил 1 июндан бошлаб 200 та) экспортчи корхоналарни қўшмича қўллаб-қувватлаш ва уларни рағбатлантириш орқали амалга оширилиши;

б) Дастурга киритилган экспортчи корхоналар: экспорт ва унга тенглаштирилган операцияларни амалга оширганда ноль даражали қўшилган қиймат солиғи ставкаси қўлланилиши натижасида ҳосил бўлган солиқнинг ошиб кетган қисми уларнинг муражаатига асосан тезлаштирилган тартибда 7 кун ичида тўлиқ қайтариб берилиши;

айланма маблағларини тўлдириш учун кредит олишида тижорат банкларига экспорт шартномаларини гаров таъминоти сифатида қабул қилиш тавсия этилиши;

Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан экспортчи ва экспорт билан боғлиқ савдо операцияларини молиялаштириш учун охириги 12 ой мобайнида амалга оширилган экспорт ҳажмидан келиб чиққан ҳолда:

экспорт ҳажми 1 миллион доллардан 5 миллион долларгача бўлганда — 1 миллион долларгача;

экспорт ҳажми 5 миллион доллардан 10 миллион долларгача бўлганда — 2 миллион долларгача;

экспорт ҳажми 10 миллион доллардан 15 миллион долларгача бўлганда — 3 миллион долларгача;

экспорт ҳажми 15 миллион доллардан 20 миллион долларгача бўлганда — 4 миллион долларгача;

экспорт ҳажми 20 миллион доллардан ортиқ бўлганда — 5 миллион долларгача миқдорларда молиявий ресурслар ажратилиши;

битта халқаро стандартни жорий қилиш ва сертификатни олиши учун уларга 30 минг АҚШ долларидан кўп бўлмаган миқдорда молиявий ёрдам тақдим этилиши;

бизнес жараёнлар, экспорт ҳажмини ошириш ва маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш учун хорижий маслаҳатчилар жалб қилиниши белгилаб қўйилсин.

4. Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2022 йил 1 ноябрга қадар республиканинг ҳар бир ҳудудидан энг салоҳиятли 100 та маҳаллий корхонанинг ташқи бозорларга чиқишига йўл очиб бериш мақсадида “тадбиркордан — экспортёрга” тамойили асосида чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиб тасдиқласин ҳамда унинг ижросини назорат қилиб борсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгаришлар киритилсин.

6. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда:

Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонунига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқсин;

қонунчилик ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А.Ходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 30 сентябрь

Элчи Абат ФАЙЗУЛЛАЕВ:

БУДАПЕШТА БЎЛИБ ЎТАДИГАН ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ ЎЗБЕКИСТОН — ВЕНГРИЯ МУЗОКАРАЛАРИ МАМЛАКАТЛАРИМИЗ ЎРТАСИДАГИ УЗОҚ МУДДАТЛИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК РИВОЖИГА ЗАМИН ЯРАТАДИ

Бошланғич 1-бетда

Мамлакатларимиз ўртасидаги парламентлар алоқалар ҳам янги босқичга чиқди. 2020 йилда Венгрия Миллий Мажлиси (парламенти) ва Ўзбекистон Олий Мажлисида парламентларо дўстлик ва ҳамкорлик гуруҳлари тузилди.

Савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳалардаги алоқалар тобора кенгаймоқда. Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Венгрия ҳукуматларо комиссияси фаолиятини муваффақиятли деб эътироф этиш мумкин. Жорий йил 4 май кунги Тошкентда ҳукуматларо комиссиянинг



7-ийгилиши бўлиб ўтди. Унинг якунлари бўйича юқори технологияга асосланган ишлаб чиқаришни барпо этишга йўналтирилган қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тўғрисидаги келишувга эришилди.

Ўзбекистон — Венгрия ишбилармонлар кенгаши ҳам савдо-иқтисодий, сармоявий ва технология ҳамкорлик бўйича янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш билан фаол шугулланмоқда.

Қувонарли жиҳати шундаки, сўнгги тўрт йилда Ўзбекистон ва Венгрия ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 3 баробар ошди. Худудларо ҳамкорлик ривожига катта аҳамият берилаётган. Хусусан, икки мамлакатнинг Тошкент ва Пештен вилоятлари биродарлашган мақомга эга бўлди. Самарқанд ва Хайду-Бихар, Жиззах ва Фейер ўртасида шериклик муносабатларини ўрнатиш масаласи кўриб чиқилмоқда.

Ҳозирги пайтда биринчи худудларо форум ташкил этиш масаласи кун тартибиде турибди.

Маданий-гуманитар соҳада делегациялар алмашуви мунтазам амалга оширилмоқда, делегациялар ҳар икки давлатда ўтказилган турли халқаро маданий тадбирларда фаол иштирок этмоқда.

Мамлакатларимиз маданиятларини тадқиқ ва идрок этиш муҳим аҳамиятга эга. Лоранд Этвеш номидаги Будапешт университети профессори, Шарқшунослик институти директори Бенедек Пери билан ҳамкорликда Ўзбекистоннинг Венгрия Фанлар академияси кутубхонасида сақланаётган маданий меросини ўрганиш бўйича лойиҳа амалга оширилмоқда. Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асарини венгриялик мутахассис инглиз тилига, Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” мемуарини венгер тилига таржима қилмоқда.

Таълим соҳаси Ўзбекистон — Венгрия ҳамкорлигининг истиқболли йўналишларидан биридир. Ўтган йил июнь ойида Ўзбекистонга Венгриянинг турли олий ўқув юрталари раҳбарларидан иборат делегация келди. Унинг доирасида Ўзбекистон — Венгрия ректорлар биринчи форуми ўтказилди.

Венгриянинг етакчи олий ўқув юрталари — Будапешт, Дебрецен, Сегед ва Земельвайс университетлари билан уларнинг филиалларини очиб, Ўзбекистондаги олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари малакасини ошириш бўйича ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан фаол ишлар олиб боришмоқда.

Бундан ташқари, “Хунгарикум” дастури доирасида Венгрия ҳукумати томонидан ажратилган грант дастури доирасида Ўзбекистонлик талабалар Венгриянинг етакчи олий таълим муассасаларида бепул ўқиш имкониятига эга бўлмоқда. 2021 йил сентябрь ойидан бошлаб мамлакатимиз учун тегишли квоталар сони 100 тага етказилди. Бундан ташқари, 2022-2023 ўқув йилида докторантура босқичи учун қўшимча 50 та, жисмоний тарбия ва спорт йўналиши бўйича 20 та ўрин ажратилди. Натижада умумий квоталар сони 170 та бўлди.

Турizm соҳаси истиқболли тармоқ. Бу Венгрия иқтисодиётининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг (ЯИМ) тахминан 10 фоизини ташкил этади. Ушбу соҳани ривожлантиришда Венгрия тажрибасини ўрганиш ва ундан фойдаланиш мақсадида 2022 йилнинг май ойида туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Ушбу ҳужжат ўзаро сайёҳлар сонини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон авиация соҳаси мутасаддилари Венгриянинг “Wizz Air” авиакомпанияси билан тўғридан-тўғри ҳаво катновларини йўлга қўйиш бўйича музокаралар ўтказмоқда. Авиакатновлар йўлга қўйилиши Венгрия ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳаво катновига нисбатан ортиб бораётган талабни қондиришга кўмаклашади. Икки давлат ўртасида йўловчи ташиш ҳажми ортиши мамлакатларимиз сайёҳлик салоҳиятини намоён этишга ижобий таъсир кўрсатади.

Кейинги йилларда инновация ва илмий-техникавий соҳалардаги ҳамкорлик янада жадаллашмоқда.

Венгрия билан инновациялар соҳасида кадрлар тайёрлаш босқичида муносабатлар ўрнатиш бўйича иш олиб боришмоқда. Венгрия Илмий-тадқиқот, ишланмалар ва инновациялар миллий босқичмаси билан биргаликда мутахассислар малакасини ошириш бўйича дастурлар амалга оширилмоқда, шунингдек, инновацион инфратузилмани ривожлантириш, стартап лойиҳалар, акселератор дастурлар, инкубаторлар ва технопаркларни қўллаб-қувватлаш бўйича тажриба алмашилмоқда.

Илмий-техникавий ҳамкорлик доирасида икки мамлакат Фанлар академиялари ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида келишувлар мавжуд. Ўзбекистон Фанлар академияси Ядро физикаси институти ва Венгрия Фанлар академияси Ядро тадқиқотлари институти ўртасида илмий алоқалар ўрнатиш устида иш олиб боришмоқда.

Томонлар минтақавий ҳамкорлик доирасида, жумладан, “Вишеград гуруҳи — Марказий Осиё” мулоқот форматига ҳамда Европа Иттифоқи билан ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш бўйича салмоқли салоҳиятга эга.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий йўналишини сифатида қайси соҳаларни қайд этган бўлар эдингиз?

— Бозорлар ва товар айланмаларини диверсификация қилиш, шунингдек, кимё, озиқ-овқат, машинасозлик, фармацевтика ва тўқимачилик саноати маҳсулотларини ўзаро етказиб беришни қўлайлаштириш учун салмоқли салоҳият мавжуд.

Ўзбекистон тиббиёт ва фармацевтика, қурилиш материаллари саноати, АКТ, кишлоқ ҳўжалиги, хусусан, чорвачилик, паррандчилик, балиқчилик ва қайта ишлаш саноатини ривожлантиришга Венгриядаги етакчи компаниялар сармоялари ва технология салоҳиятини янада кўпроқ жалб қилишдан манфаатдордир.

— Ўзаро ҳамкорликни янада фаоллаштириш учун яна қандай жиҳатларга эътибор қаратиш лозим, деб ўйлайсиз?

— Юқорида таъкидлаганимдек, бугунги кунда Ўзбекистон — Венгрия ҳамкорлигини янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш учун барча зарур шароитлар мавжуд. Бизда ҳамкорликнинг барча соҳаларини қамраб олувчи мустақам шартномавий-ҳуқуқий замин ишлаб чиқилган.

Шу билан бирга, аввал эришилган келишувларни ҳаётга изчил татбиқ этиш муштарак савб-ҳаракатларини талаб этади. Хусусан, Ўзбекистон ва Венгриянинг вазирлик билан тарихий воқеадир. Икки давлат раҳбарларининг музокаралари тўла қамровли давлатларро мулоқотни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди. Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларация имзоланди. Шу тариқа Венгрия Европа Иттифоқининг Ўзбекистон билан ҳамкорликни сиёсий жиҳатдан энг юқори даражага олиб чиққан биринчи мамлакат бўлди.

Венгрия Бош вазирининг Ўзбекистонга ташири чогда унга 30 дан ортиқ ийрик миллий компания вакиллари ҳамроҳлик қилди. Улар қўшма ишбилармонлик кенгашининг биринчи йиғилишида иштирок этди, икки томонлама музокаралар ўтказди.

Эришилган келишувлар икки томонлама муносабатларга янги туртки берди. Муҳим битимлар миқтақаларо ҳамкорлик, ядро энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш соҳасида кадрлар тайёрлаш, инновацион ривожлантириш, иригация ва сув ҳўжалиги соҳасида ҳамкорлик масалаларидаги режаларни белгилаб берди.

Шунингдек, икки давлат етакчиларининг телефон орқали мулоқотларида стратегик шериклик муносабатларини янада мустақамлаштириш, эришилган келишувларни амалга оширишнинг бориши, кооперация лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этилиши масалалари муҳокама қилинмоқда, шунингдек, долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан ўзаро фикр алмашилмоқда.

Олий даражадаги алоқалар сезиларли даражада фаоллашди, парламентларо ришталар изчил ривожланмоқда. Икки мамлакат вакиллик органларида дўстлик гуруҳлари фаолият кўрсатмоқда.

Икки мамлакат Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида конструктив ҳамкорлик тобора ривожланмоқда. Бугунги кунга қадар вазирликларо сиёсий маслаҳатлашувларнинг тўрт давраси бўлиб ўтди. 2016 йилдан буён Тошкентда Венгрия элчихонаси фаолият юритмоқда, мамлакатимиз

ЎЗБЕКИСТОН — ВЕНГРИЯ: ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ҚЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев расмий ташири билан Венгрияда бўлиб турибди.

Венгрия — Ўзбекистоннинг стратегик шериги. Ушбу ташири жорий йилда 30 йиллиги нишонланадиган икки томонлама ҳамкорлик тарихида янги босқични бошлаши кутилмоқда.

Замонавий босқичда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб бормоқда. Бунга сўнгги йилларда ўрнатилган олий даражадаги сиёсий мулоқотлар муҳим роль ўйнамоқда. Хусусан, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Туркий тили давлатлар ҳамкорлик кенгашининг 2019 йил октябрь ойида Боку шаҳрида (Озарбайжон) бўлиб ўтган йиғилишида Венгрия Бош вазир Виктор Орбан билан учрашган эди.

2021 йил 29-30 март кунлари Венгрия Бош вазир Виктор Орбан расмий ташири билан Ўзбекистонга келган ва музокаралар якуни бўйича 10 дан ортиқ икки томонлама ҳужжат имзоланган эди.

Экспертларнинг баҳолашича, Тошкентда ўтган олий даражадаги Ўзбекистон — Венгрия саммити ўз аҳамияти ва муваффақиятли натижалари билан тарихий воқеадир. Икки давлат раҳбарларининг музокаралари тўла қамровли давлатларро мулоқотни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди. Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларация имзоланди. Шу тариқа Венгрия Европа Иттифоқининг Ўзбекистон билан ҳамкорликни сиёсий жиҳатдан энг юқори даражага олиб чиққан биринчи мамлакат бўлди.

Венгрия Бош вазирининг Ўзбекистонга ташири чогда унга 30 дан ортиқ ийрик миллий компания вакиллари ҳамроҳлик қилди. Улар қўшма ишбилармонлик кенгашининг биринчи йиғилишида иштирок этди, икки томонлама музокаралар ўтказди.

Эришилган келишувлар икки томонлама муносабатларга янги туртки берди. Муҳим битимлар миқтақаларо ҳамкорлик, ядро энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш соҳасида кадрлар тайёрлаш, инновацион ривожлантириш, иригация ва сув ҳўжалиги соҳасида ҳамкорлик масалаларидаги режаларни белгилаб берди.

Шунингдек, икки давлат етакчиларининг телефон орқали мулоқотларида стратегик шериклик муносабатларини янада мустақамлаштириш, эришилган келишувларни амалга оширишнинг бориши, кооперация лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этилиши масалалари муҳокама қилинмоқда, шунингдек, долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан ўзаро фикр алмашилмоқда.

Олий даражадаги алоқалар сезиларли даражада фаоллашди, парламентларо ришталар изчил ривожланмоқда. Икки мамлакат вакиллик органларида дўстлик гуруҳлари фаолият кўрсатмоқда.

Икки мамлакат Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида конструктив ҳамкорлик тобора ривожланмоқда. Бугунги кунга қадар вазирликларо сиёсий маслаҳатлашувларнинг тўрт давраси бўлиб ўтди. 2016 йилдан буён Тошкентда Венгрия элчихонаси фаолият юритмоқда, мамлакатимиз

нинг Венадаги дипломатия миссияси бир вақтнинг ўзида Ўзбекистоннинг Венгриядаги манфаатларини ифода этмоқда.

Венгрия ташқи ишлар ва савдо вазир Петер Сийярто Ўзбекистонга бир неча бор ташири буюрди, мамлакатимизда давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинди, икки томонлама ва кўп томонлама муҳим тадбирларда иштирок этди.

Жорий йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 77-сессияси доирасида Ўзбекистон ташқи ишлар вазир Владимир Норов ва Венгрия ташқи ишлар ва савдо вазир Петер Сийярто ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Мулоқот чоғида томонлар Ўзбекистон ва Венгрия раҳбарларининг ўзаро таширилари якунлари бўйича қабул қилинган қарорларни амалга оширишдаги собитқадамлиги тасдиқланди.

Ўзбекистон ва Венгрия БМТ, ЕХТТ, Туркий давлатлар ташкилоти ва бошқа халқаро институтлар доирасида муваффақиятли ҳамкорлик қилаётган. Мамлакатларимизнинг глобал кун тартибидеги долзарб масалалар бўйича нуктаи назари яқин еки бир-бирига мос келади, томонлар халқаро ташаббусларни илгари суришда бир-бирини ўзаро қўллаб-қувватламоқда.

Савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳалардаги ҳамкорлик ҳам жадал ривожланмоқда. Икки мамлакат ўртасидаги савдо-сотикда энг қулай савдо режими ўрнатилган. Сўнгги 4 йил ичида Ўзбекистон — Венгрия савдо айланмаси ҳажми 2,5 баравар ошди, пандемиянинг салбий оқибатларига қарамай, 2020-2021 йилларда ҳам бу борада ўсиш кузатилди. Шу тариқа 2021 йил охирига келиб мамлакатларимиз ўртасидаги товар айланмаси 114 миллион АҚШ долларидан ошди, жорий йилнинг олти ойи мобайнида эса қарийб 50 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Ўзбекистонда Венгрия сармоядорлари иштирокида ташкил этилган 10 та корхона фаолият кўрсатмоқда, уларнинг олтидаси қўшма корхона, тўрттаси яқна тартибдеги корхона ҳисобланади.

2013 йилдан буён Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Венгрия ҳукуматларо комиссияси фаолият кўрсатмоқда. Унинг еттинчи йиғилиши жорий йил 3-4 май кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди. Йиғилиш давомида сармоявий, саноат, савдо-иқтисодий, банк-молия, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди ва келишиб олинди.

Ҳар икки давлатнинг умумий қилиши касб этадиган соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорлик қўламини изчил кенгайтиришга бўлган иттилийши ўзгармасдир. Ўзбекистон ва Венгрия бозорлар ва савдо оқимларини диверсификация қилиш, кимё, озиқ-овқат, машинасозлик, фармацевтика ва тўқимачилик саноати маҳсулотлари етказиб бериш ҳажмини қўлайлаштириш учун салмоқли салоҳиятга эга. Томонлар инвестиция, савдо, туризм, молиявий-техникавий, маданий-гуманитар ва минтақаларо ҳамкорлик

соҳаларида ўзаро шерикликни мустақамлашга тайёрдир.

Венгрия Ўзбекистондаги бизнес фаолияти қўламини кенгайтиришдан ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётининг қатор тармоқларида мавжуд салмоқли саноат салоҳиятидан манфаатдор. Бугунги кунга қадар юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва келажакда уларни учинчи мамлакатлар бозорларига экспорт қилиш мақсадида юқори технологияга асосланган ишлаб чиқаришларни яратишга қаратилган қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича дастлабки келишувларга эришилди.

Ўзбекистон ва Венгрия ўртасидаги илмий-маърифий, маданий-гуманитар алмашувлар тобора кенгаймоқда. Икки мамлакат олимлари материалшунослик, микроэлектроника, асбобсозлик, тиббиёт, фармакология, машинасозлик, кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш соҳаларида илмий-техник ҳамкорлик бўйича кўп йиллик тажрибага эга.

Бухородаги вилоят ўлкашунослик музейида XIX асрнинг машҳур венгер шарқшуно олими ва сайёҳи Арминий Вамбери тобора фаолият кўрсатишга эҳтироф қилинган. Арминий Вамбери 1863 йилда Ўрта Осиёга сафар қилиб, Хива хонлиги, Бухоро амириликда бўлган, Самарқандни зўриқат қилган. Саёҳати натижалари бўйича “Бухоро тарихи еки Трансоксания қадим замонлардан то ҳозирги кунгача” ҳамда “Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат” асарларини ёзган.

2018 йилдан бери Венгрия ҳар йили Ўзбекистон фуқароларига ушбу мамлакатдаги университетларда ўқиш учун стипендиялар тақдим этмоқда. 2021 йилдан бери ушбу стипендиялар сони 150 тагача етди. Университетлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик “Egasmus” лойиҳалари доирасида амалга оширилмоқда.

Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институти ва Семмельвайс номидаги Будапешт тиббиёт университети ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш масаласи кўриб чиқилмоқда. Тошкент ва Будапешт шаҳарлари, Фаргона вилояти ва Дабаш шаҳри ўртасида биродарлик ришталари ўрнатилди. Сурхондەر вилояти ҳокимлиги ва Пештин вилояти мэрияси ўртасида амалий алоқалар йўлга қўйилган.

Жорий йилда ўтказилган ҳукуматларо қўшма комиссия йиғилиши доирасида Сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Ушбу келишувда ўзаро сайёҳлик оқимларини қўлайлаштириш учун қулай шароитлар яратишга даъват этилган. 2018 йил февраль ойидан эътиборан Ўзбекистонда Венгрия фуқаролари учун соддалаштирилган виза режими амал қилмоқда.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон ва Венгрия ўзаро ҳамкорлик қўламини янада кенгайтиришга интиломоқда. Икки мамлакатнинг салмоқли салоҳияти, уни ҳаётга татбиқ этишдан муштарак манфаатдорлик мавжудлиги, Ўзбек ва венгер халқлари ўртасидаги чуқур тарихий илдизларга эга ўзаро ҳамкорлик ва самимий дўстона алоқалар бўйича тўпланган тажриба бунинг учун яқши асос бўлиб хизмат қилмоқда.

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

Конституциявий ислоҳот: Янги ўзгартишлар Бахтли келажак асоси

Бошланғич 1-бетда

Давлат ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олиши ва бандлигини таъминлашга кўмаклашади


Ҳабибулло САДИБАҚОСЕВ,
Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети докторанти



такомиллаштириш ҳаётий заруратдир. Чунки янгилашган Конституцияда мамлакатимизнинг узоқ мuddатли тараққиёт стратегиялари, умуман, юртимиз ва халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустақам ҳуқуқий асос ҳамда ишончли кафолатлар ўз ифодасини топмоқда. Айниқса, "Инсон — жамият — давлат", "Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат" деган тамойилларни конституциявий қоида сифатида муҳрлаш, халқпарвар давлат барпо этиш вазифаси устувор аҳамият касб этади.

Сўнги беш-олти йилда мамлакатимизда инсонга муносабат тубдан ўзгарди. Айниқса, ногиронлиги бўлган шахслар мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳамда маданий ҳаётида фаол иштирок этиши учун зарур ҳуқуқий, ташкилий шароитлар яратилмоқда. Бу борада Президентимиз томонидан муҳим фармон ва қарорлар имзолангани ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ишонсизлик кайфиятидан халос этиш, ҳаётга интилишини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

ватандошларимизнинг янги фикрлаш, ишлаш ва яшашга интилаётганини очик-ойдин кўрсатиб турибди. Демак, амалдаги Конституция бугунги кун ва келажакнинг ўткир талабларини ҳисобга олган ҳолда



Аҳамиятлиси, ногиронлиги бўлган шахсларнинг билим олиши, ҳунар ўрганиши, жамиятда ўз ўрнини топиши учун ҳуқуқий жиҳатдан шароит яратилди. Бу борада давлат ташкилотларининг мажбуриятлари аниқ белгилаб берилди. Амалга оширилаётган ўзгаришларга қарамай, ногиронлиги бўлган шахсларни ўйлантириб келаётган муаммолари масалалар ҳам оз эмас. Шу жиҳатлар эътиборга олиниб, конституциявий қонун лойиҳасида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор.

Конституциявий қонун лойиҳасининг 45-моддасига "Давлат ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий ҳамда маданий соҳалар объектлари ва

хизматларидан тўлақонли фойдаланиши учун шарт-шароит яратати, ишга жойлаштиришга, таълим олишига кўмаклашиши, зарур ахборотни тўқинликсиз олиши имкониятини таъминлайди" деган норма киритилиши тақлиф этилаётгани юртимизда инсон манфаатлари ҳамма вақт давлат эътиборида эканидан далolat беради.

Бинобарин, Янги Ўзбекистон учун инсон қадр ва халқ манфаати ҳамма нарсадан устун. Шу боис, инсон қадрини юксалтириш давлат ҳокимияти органларининг конституциявий бурчи ва устувор вазифаси бўлмоғи лозим. Зеро, инсон, унинг ҳаёти, кадр-қиммати ва эркинлиги улугвор тушунча бўлиб, уларни бир-биридан айро тасаввур этиб бўлмайди. Инсоннинг ушбу ажралмас ҳуқуқлари

тўла-тўқис таъминлансагина, жамиятда, давлатда ривожланиш бўлади. Шу маънода, Конституциямизга киритилаётган ўзгаришлар, албатта, ўзининг ижобий самарасини беради.

Бу, ўз навбатида, мамлакатимизда Конституциявий ислохотларни амалга оширишда бошданок "Конституциянинг ягона манбаи ва яратувчиси халқдир", деган оқилона тамойилга таянишни, конституциявий ислохотларни амалга оширишда халқ манфаатларидан келиб чиқиб иш тутилаётганини аниқлатади. Бу жараёнда аҳолининг фаол иштироки эътиборга олинади, ўз фикри ва сўзини эмин-эркин билдираётгани эса юртодларимизда ватан тақдирига дахлдорлик ҳисси орттириб бораётганидан, фуқаролик позицияси тобора кучаяётганидан далolat беради.

Гендер тенглик бош қонунимизда ҳам муҳрланмоқда

Гендер тенглик мавзуси кўп йиллар давомида муҳокамалар, мунозараларга сабаб бўлиб келган. Аммо шунга қарамай, яқин-яқингача аёлларнинг муаммолари, жамиятдаги роли ва ўрни фақат қозғоғда ёки ҳисоботларда таъминлаб келинар эди.



Феруза ЎСАРОВА,
Конституциявий комиссия эксперти

белгилаш, уларга эътиборни кучайтириш масаласи ҳам кун тартибига кўтарилиди. Бу борада ҳуқуқий ва ташкилий ишлар кучайди.

Бугунги кунда юртимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, давлат бошқаруви ва жамиятнинг барча жаҳаларида уларнинг ролини оширишга қаратилган тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда гендер тенглик масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, соҳага оид 25 та қонунчилик ҳужжати қабул қилинди. Жумладан, Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори билан 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикасининг Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси, Сенатда Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси ташкил этилди. Ўзбекистон тарихида илк маротаба парламентда хотин-қизлар сони БМТ томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етиб, қарийб 32 фоизни ташкил этади ва дунёдаги 190 та парламент орасида 37-ўринга кўтарилиди.

Бошқарув соҳасида ҳам аёлларимиз сони сезиларли даражада кўпайди. Масалан, олиб борилаётган туб ислохотлар натижасида бошқарув лавозимларида хотин-қизлар улуши 27 фоизга, партияларда 44 фоизга, олий таълимда 40 фоизга, тадбиркорликда 35 фоизга етди.

Алоҳида эътибор бериш керакики, хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, улар билан манзилли ишлаш мақсадида "Аёллар дафтари" тизими ўзини тўлиқ оқлади ҳамда бу дафтарга киритилган хотин-қизлар ҳаётида туб бурилиш ясади.

Янгилаётган Конституциямизга киритилаётган янги модда халқаро меъёр ва стандартларга тўлиқ мос келгани ҳамда Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада жадаллаштиришга хизмат қилади. Бу хотин-қизлар ва эркекларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, шунингдек, давлат ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлайди ва мустақамлайди.

Конституциямизда олий кадрият сифатида белгилаб қўйилган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигига эришиш нақадар муҳим аҳамиятга эгалигини ҳеч ким инкор этолмайди. Боиси, суд тизими мустақил бўлмас экан, жамиятимизда ривожланиш бўлмаслиги кундек равшанлашмоқда. Чунки суд идорасига иши тушган ҳар бир шахс ушбу даргоҳда қонун ва адолат устувор эканига ишонч ҳосил қилиши керак. Президентимиз таъбири билан айтганда, Янги Ўзбекистонда ҳар қандай бахтли масалага адолатли ечим фақат одил суд томонидан топилиши керак.

Судьялар мустақиллиги ва дахлсизлиги янада мустақамланади



Шерзод ТЎХТАШЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

Мамлакатимизда суд тизimini тубдан ислох қилиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлардан қўзғалган пировард мақсад ҳам судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судьялик касбига тайёрлаш ва тайинлаш тизimini такомиллаштиришдир.

Шу маънода ягона суд амалиётини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий

суди ва Олий ҳўжалик суди бирлаштирилди. Судьяларни танлаш ва лавозимларга тайинлашда ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш, очик, ошқора ва муқобил танлов тизimini яратилиши учун Судьялар олий кенгаши тасвир этилди.

Судья лавозимига мuddатсиз тайинлаш амалиёти жорий қилиниб, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари давлат идоралари томонидан бузилган тақдирда, уларнинг суд орқали самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида маъмурий судлар фаолияти йўлга қўйилди. Апелляция ва кассация инстанциялари такомиллаштирилган ҳолда қўқори суд инстанцияси томонидан яқуний қарор чиқариш кафолатлари мустақамланди.

Умуман, ўтган беш-олти йилда суд-ҳуқуқ соҳасида эришилган ютуқлар, ўзгаришлар ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин бугун замоннинг ўзи суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш учун, биринчи навбатда, судьяларни одил судловга таъсир ўтказадиган омиллардан ҳимоя қилиш, тергов ва суд ишига аралашуш ҳолатларига барҳам бериш, суд қарорлари ижросини сўзсиз таъминлаш кераклигини таъкидлаш мумкин. Сабаби суд бирор-бир давлат идораси ёки мансабдор шахснинг қўли етадиган идораларга айланган қўлишга йўл қўймаслик лозим.

Бунинг учун юксак малакали суд ходимлари корпусини шакллантириш, судьялар ҳар қандай ҳолатда ҳам адолатли қарор топиришга қодир бўлиши, шунингдек, суд қабул қилган қарорлар ижроси сўзсиз таъминлини таъминлаш зарур.

Шундангина одамларда ҳар қандай ҳолатда ҳам адолат қарор топишига бўлган ишонч орттирилади.

Шу жиҳатдан конституциявий ислохотлар жараёнида Асосий қонунимизга киритилаётган ўзгаришлар билан одил судлов тизimini мустақиллиги янада мустақамлаштиришга кўзда тутилмоқда. Хусусан, Конституциянинг 112-моддасига "Давлат судьянинг ва унинг оила аъзоларининг хавфсизлигини таъминлайди" деган янги қисм қўшилиши кўриб чиқилмоқда.

Ушбу янги норманинг аҳамияти нимада? Мазкур нормага нега зарурат туғилди?

Ўзбекистонда фуқаролар ҳуқуқини шахслар эмас, қонун, одил суд ҳимоя қила олишига тўлиқ эришсак, ҳар қандай бахтли масалага адолатли ечим фақат одил суд томонидан топилиши таъминланса, суд тизimini халқчил ва халқпарвар, деб аташ мумкин бўлади. Аниқроқ айтганда, чинакам мустақил ва қонун устуворлигига асосланган суд тизimini бошқа барча соҳалар, хусусан, таълимда ҳам, соғлиқни сақлашда ҳам, бизнесда ҳам туб ўзгаришлар амалга ошади. Ўз ўрнида судьяларнинг чинакам мустақиллиги ва дахлсизлигини таъминлаш зарурий талаб ҳисобланади. Чунки судья ва унинг оила аъзолари хавфсизлигини таъминлашдан тўриб уларнинг чинакам мустақиллигига эриша олмаймиз. Шубҳасиз, Конституцияга киритилаётган мазкур ўзгариш билан судьялар мустақиллиги ва одил судлов тизimini конституциявий асослари янада мустақамланади.

Бинобарин, қонун лойиҳаси билан судьялар мустақиллиги ва дахлсизлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири — судья ва унинг оила аъзолари хавфсизлигини таъминлаш давлат мажбурияти сифатида конституция даражасида мустақамланмоқда.

Мазкур конституциявий кафолат асосида судьялар ишига ҳар қандай аралашув, таъйиқ кескин жазоланиши, уларнинг хавотирсиз ва дадил ишлаши учун барча зарур шароитлар яратилиши таъминланади. Зеро, ўзи ва яқинларининг дахлсизлиги, хавфсизлигига ишончи қомил бўлганда, судья мустақил ва адолатли фаолият юрита олади.

Бир сўз билан айтганда, буларнинг барчаси инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизimini такомиллаштиришга, халқимизнинг давлат ҳокимиятига ишончини янада мустақамлашга, судьялар мустақиллигини ва пировардида, самарали одил судловни янада ишончли таъминлашга хизмат қилади.

ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ

Шоҳрух ЕРЖАНОВ,
Ўзбекистон инновацион таълимни ривожлантириш ассоциацияси директори

Мамлакатни модернизация қилишнинг ҳозирги босқичида фуқаролик жамияти институтлари муҳим ўрин тутатади. Шу боис, юртимизда уларни янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Адолатли ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш масаласи олдимизга қўйилган устувор мақсадлардан биридир. Дарҳақиқат, кейинги йилларда қабул қилинган қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг эркин, барқарор ва тизимли

ривожланиши учун мустақам замин яратди. Ушбу ҳужжатларнинг изчил ижроси натижасида тегишли инфратузилга — шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларда воситачи сифатида иштирок этувчи, фуқароларнинг ижтимоий манфаатларини рўёбга чиқаришга кўмаклашувчи қўллаб-қувватлаш нотижорат, жамоат ташкилотлари, бирлашмалар, фондлар, касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолияти ривожланиши ва йилдан-йилга такомиллашмоқда.

Соҳадаги ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида Президентимизнинг 2021 йил 3 мартдаги "Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолияти эркинлиги, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғриси-

да"ги қарори ва 2021 йил 4 мартдаги "2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармони фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг замонавий босқичида янги саҳифа очди.

Кадрлар салоҳияти оширилмоқда

Мазкур ҳужжатларда белгиланган вазифалар доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси билан ҳамкорликда ННТ раҳбарлари билими ва кўникмаларини ошириш мақсадида малака ошириш ўқув курсларида ўқитилди.

Ўзбекистон инновацион таълимни ривожлантириш ассоциацияси ходимлари ҳам ана шу курсларда фуқаролик жамияти ва унинг институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятига оид халқаро

тажриба, бу борадаги қонунчиликнинг мазмун-моҳияти, раҳбар ходимлар кўникмаларини оширишга қаратилган машғулот турлари бўйича малака оширди.

Ўзбекистон инновацион таълимни ривожлантириш ассоциацияси ўтган йил апрель ойидан фаолият бошлади. Ўтган қисқа даврда ташкилот таълим, маданият, инновация ва ижтимоий соҳаларда қатор лойиҳаларни амалга оширди. Ташкилотда ҳозирги кунда асосан ешлар фаолият юритмоқда.

ННТлар фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланапти

ННТларни рағбатлантириш мақсадида ўтказилаётган танловлар жуда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ташкил этилганга қисқа вақт бўлишига қарамай, ассоциация мазкур йўналишларда эълон

қилинган қатор грант танловлари голибига айланди.

Хусусан, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ҳузуридаги Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг "Еш тадбиркорлар, ўқувчи-талабалар, хотин-қизлар ва ишсиз ёшларда бизнес юритиш, стартап лойиҳалар соҳасидаги билим ва кўникмаларни шакллантириш ва амалий қўллаб-қувватлаш" лойиҳаси голиби бўлди.

Мазкур лойиҳа доирасида манфаатдор ташкилотлар билан тегишли келишувлар имзоланди, ижтимоий шериклик алоқалари ўрнатилди. Натижада хотин-қизлар ва ёшлар замонавий касб-ҳунар, тадбиркорлик кўникмаларини ўзлаштириши учун бепул ўқув курслари ташкил этилди. Лойиҳа давомида қўллаб-қувватлаш тренинглари, учрашув ва семинарлар ўтказилди ҳамда уларга 800 дан ортиқ хотин-қиз ва ёш камраб олинди.

Шунингдек, Тошкент шаҳри ва вилоятдаги таълим муассасалари, маҳалларда аҳоли, хусусан, ёшларнинг молиявий ва иқтисодий саводхонлик, банк-молия тизими, омонатлар, кредитлар, электрон пуллар ва уларни муҳофаза қилиш, молиявий кибержиноятлардан ҳимояланиш борасида билим ҳамда кўникмалари оширилди. Бу эса, ўз навбатида, тадбиркорлик фаолиятини эндиғина бошлаган ёшларда соҳада учраётган муаммоларни бартараф этиш ва фаолиятини изчил йўлга қўйишда амалий ва ҳуқуқий кўмак бўлди.

Энг муҳими, ташкилотнинг моддий-техник базаси мустақамланди, ёшлар ўзини ўзи банд қилиши учун ахборот технологиялари соҳаси бўйича бизнес кўникмаларини ўзлаштириш, уларга фрилансерлик фаолияти ҳақида кенроқ тушунча берилди, ёшлар ва хотин-қизлар бандлиги таъминланиб, замонавий касб-ҳунар ўрганишига замин яратилди.

Кенг қамровли ислохотлар самардорлигига эришиш нафақат давлат органлари, балки нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан ҳам фаоллик, ташаббускорликни талаб қилади.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

ҚИЗГИН МУҲОКАМА, ХОЛИС ВА САМАРАЛИ НАТИЖАЛАР



Фармон ТОШЕВ,
Халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгаши депутати, сенатор, Олий Мажлис Сенати кўмаклашувчи комиссияси аъзоси

Бугунги кунда бу вазифалар рўйбга чиқяпти. Уларнинг бажарилишида маҳаллий кенгашлар роли ошаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Мисол учун, вилоят, шаҳар ва туман секторлари раҳбарлари, тасдиқланган лойиҳа, "йўл харитаси" ва дастурлар ижросига масъуллар ҳар чоракда Халқ депутатлари кенгашлари сессияларида амалга оширган ишлари бўйича ҳисобот беради.

Ана шундай ҳисоботлардан тўрттаси Халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгаши сессиясида қабул қилинмади, яъни масъуллар камчиликларни тузатиб, қайта ҳисоб берди. Ўтган йили эса икки ташкилот раҳбари ўз зиммасидаги ишларни етарли даражада ижро қилмагани учун вазифасига нолайиқ топилди. Демокриманки, депутатлар у ёки бу масалани муҳокама қилишда шу соҳадаги муаммолар ечимига чуқурроқ ёндашишни, масъуллардан эса жиддийроқ талаб қилишни ўрганмоқда ва сессияларда сўрамоқда.

Жамиятнинг қудрати, аввало, унинг очиқлиги, ундаги барча сиёсий кучлар вазифасининг аниқлиги ҳамда уларни назорат қилиш тизимининг реаллиги билан ўлчанади. Шу сабабли мамлакатимизда Ҳаракатлар стратегияси, бугун эса Тараққиёт стратегиясида Ўзбекистонда айнан ана шу муҳитни юзага келтириш, яъни демократик жараёни чуқурлаштириш, давлат бошқарувида эса маҳаллабай тарзда ишлаш вазифалари қўйилган.

Ўтказилаётган сессияларни интернет орқали кузатиш имконияти яратилгани учун сайловчилар ва жамоатчилик ўз фаол муносабати билан бизга катта ёрдам берапти. Аниқроғи, сайловчилар ўз округидан сайланган депутат қайси масалани тайёрлашда қатнашганидан, ҳисоботчи қандай савол бераётгани ҳамда билдираётган мулоҳазаларидан хабардор бўлиб туради. Ўз навбатида, ташкилот раҳбарлари ҳам ҳисоботларини ҳаммасблари, ходимлари, қолаверса, аҳоли кўраётганини билгач, сессияга масъулият билан тайёргарлик кўриб келади.

Бевоқиф мавзуга қайтсак. Ҳар бир сессияда вилоят маҳаллий бюджетининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш ҳақидаги масала кўрилади. Илгари бу маблағ мутасадди ташкилотлар таклифига кўра, ҳоким фармойиши билан тақсимланган. Айни пайтда эса сессияда маблағ ажратишдан олдин бу таклиф тегишли электрон платформаларга жойлаштирилади ва 10 кун давомда жамоатчилик фикри олинади. Масалан, август ойидаги сессияда туманлардан олинган таклифлар асосида "Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тадбирлари учун 10 миллиард сўм ажратилди. Бундай маблағ ўз-ўзидан ажратилмайди. Ҳар бир секторнинг аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, худудни комплекс ривожлантириш юзасидан ярим йилга мўлжалланган "йўл харитаси" тасдиқланади. Кейин ана шу тадбирлар ижроси учун қўшимча маблағ ажратилади ва "йўл харитаси" ижроси бўйича ҳар бир сектор раҳбари чораклик ҳисобот бериб боради.

Яна бир муҳим масала жамоат ва давлат манфаати учун уй-жойлар, нотурар бинолар бузилиши билан боғлиқ. Бу масалада депутатлар аввал таклиф этилаётган лойиҳанинг жамоат ва давлат учун нечоғлиқ манфаатли эканини аниқлайди ва дастлаб мулк эгалари билан музокара қилишга руҳсат беради. Мулк эгалари билан муайян келишувга эришилиб, тўлов миқдори аниқланган, бузилган бинолар учун қўшимча манбалардан компенсация тўлашга

маблағ ажратиш юзасидан қарор қабул қиламиз. Бу ҳолат мазкур масалада коррупциянинг олдини олиши баробарида шахсий мулкни баҳолашда, тўловни ўз вақтида амалга оширишда адолат устувор бўлишини таъминлаяпти.

Баъзан солиқ бошқармаси солиқ тўлашда қийналаётган корхоналар ва уларга тегишли тартиб асосида солиқни бўлиб-бўлиб тўлашга руҳсат сўраб мурожаат қилади. Тегишли доимий комиссия масалани ўрганган, сессия бу ҳақда қарор қабул қилади. Қарорда солиқ тўлаш миқдори унинг турларига қараб ойма-ой аниқ рақамларда белгиланади. Шунингдек, маҳаллий бюджет параметрларидаги жузвий ўзгаришлар ҳам молия бошқармаси таклифига

маълум бўлди. Сессия қарорига кўра, бу пуллар буюртма билан зарур дори-дармон харид қилиш учун вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси махсус ҳисобварағига кўчирилди бўлди. Биринчидан, бу маблағ мақсадсиз туриб, кадрини йўқотмайди, қолаверса, худудлар буюртма ва эҳтиёжга қараб, тендер асосида бир жойдан, битта нархда дори-дармон олади.

Бир сўз билан айтганда, маҳаллий бюджет ва бюджетнинг қўшимча манбаларидан оқилона фойдаланиш халқнинг бу жараёндан хабардорлигини, маблағларнинг мақсадли тақсимланиши ҳамда фойдаланилишини таъминлаяпти. Муҳими, депутатлар соҳа ичига кириб, масала моҳиятини чуқурроқ ўрганмоқда.

Сессияда тегишли ташкилот раҳбарлари иқтисодиёт, қишлоқ ҳўжалиги, таълим соҳасидаги ўрганиш ва тегишли натижаларни тўғрисида ахборот берапти. Муҳокама натижаларига кўра, аниқланган қонунбузилишларга доир ҳолатлар маъмурий идораларга топширилмоқда.

“ҲАР БИР СЕССИЯДА ВИЛОЯТ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИНИНГ ҚЎШИМЧА МАНБАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲАҚИДАГИ МАСАЛА КўРИЛАДИ. ИЛГАРИ БУ МАБЛАҒ МУТАСАДДИ ТАШКИЛОТЛАР ТАКЛИФИГА КўРА, ҲОКИМ ФАРМОЙИШИ БИЛАН ТАҚСИМЛАНГАН. АЙНИ ПАЙТДА ЭСА СЕССИЯДА МАБЛАҒ АЖРАТИШДАН ОЛДИН БУ ТАКЛИФ ТЕГИШЛИ ЭЛЕКТРОН ПЛАТФОРМАЛАРГА ЖОЙЛАШТИРИЛАДИ ВА 10 КУН ДАВОМИДА ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ ОЛИНАДИ. МАСАЛАН, АВГУСТ ОЙИДАГИ СЕССИЯДА ТУМАНЛАРДАН ОЛИНГАН ТАКЛИФЛАР АСОСИДА “АЁЛЛАР ДАФТАРИ”ГА КИРИТИЛГАН ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТАДБИРЛАРИ УЧУН 10 МИЛЛАРД СўМ АЖРАТИЛДИ. БУНДАЙ МАБЛАҒ ўз-ўзидан АЖРАТИЛМАЙДИ.

кўра ўрганилади, доимий комиссия йиғилишида муҳокамадан ўтгач, сессияда муҳокама этилади ва тегишли қарор қабул қилинади.

Яқинда Самарқанд вилояти тиббиёт соҳасида аҳоли жон бошига ажратилган маблағдан унумли фойдаланиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилдик. Гап шундаки, Президентимиз қарори билан пандемия даврида жойлардаги тиббиёт бирилмаларига бирилмай тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш учун алоҳида ҳисобварақ очилиб, маблағ кўчирилган. Вазир барқарорлашгач, мониторинг қилинганда, бу маблағнинг бир қисми ўзлаштирилмагани

Маҳаллий кенгашларда котибиятлар ташкил этилиши депутатлар фаолиятига ижобий ўзгариш киритди. Доимий комиссиялар фаолиятини йўлга қўйишда, депутатлик сўровлари мониторингини юритишда, сессиялар қарорлари ижросини таъминлашда улар муҳим роль ўйнаяпти. Бинобарин, Халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгаши сессияси котибияти сессия санасини ўн кун олдин расмий ва ижтимоий тармоқларда эълон қилади. Бир ҳафта аввал эса доимий комиссиялар сессияга киритилаётган масалаларни олдиндан ўрганиб чиқади. Бу услуб муаммони депутатларга очиқроқ олиб чиқиш, реал таклифлар

“ СЕССИЯДА ТЕГИШЛИ ТАШКИЛОТ РАҲБАРЛАРИ ИҚТИСОДИЁТ, ҚИШЛОҚ ҲўЖАЛИГИ, ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ўРГАНИШ ВА ТЕКШИРИШЛАР НАТИЖАЛАРИ Тўғрисида АХБОРОТ БЕРИШЯПТИ. МУҲОКАМА НАТИЖАЛАРИГА КўРА, АНИҚЛАНГАН ҚОНУНБУЗИЛИШЛАРГА ДОИР ҲОЛАТЛАР МАъМУРИЙ ИДОРАЛАРГА ТОПШИРИЛМОҚДА.

билдиришга асос яратиши баробарида ҳисобот берувчиларнинг ҳам пухта тайёргарлик кўриб чиқишларини таъминлаяпти.

Бу жараён депутатлик сўровлари кўламини яна ҳам кўпайтиришга ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Депутатлик сўровига ўз вақтида жавоб бермаган ёки унда кўтарилган муаммо ечимига эътиборсиз қараган раҳбарлар сессияда жавоб берапти. Шу сабабли шу йилнинг ўзида тегишли раҳбарларга Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлари томонидан юборилган 352 та сўровнинг 346 таси ижро этилди, 6 таси эса ижрода.

Сессиялардаги энг қизгин муҳокама аҳоли мурожаатлари бўйича ташкилот раҳбарлари масъулиятини ошириш борасида бўляпти. Вилоят Халқ қабулхонаси ўтказган мониторинг натижалари ҳар ойда бу борада камчиликка йўл қўйган ташкилот раҳбарлари, мутасаддилари иштирокида муҳокама этилади.

Дарвоқе, биз ҳар бир сессияни аввалгисидан билдирилган таклифлар, танқидлар тегишли идора раҳбарлари томонидан қандай қабул қилингани ҳақидаги ахборотдан бошлаймиз. Бу услуб сессия нуфузини ошириш баробарида депутатлар фаолиятини таъминлашга хизмат қилмоқда. Шунинг учун бўлса керак, сессияда фикр билдирувчи, савол берувчи депутатлар сафи кенгайиб бормоқда.

ТОМОРҚА — ДАРОМАД МАНБАИ



ИШКОМДАГИ БАРАКА

Бошланғич 1-бетада

Ўтказилганига тўрт йилдан ошгани учун ток новдалари ишком устини қоплаган, шигил-шигил ҳосил туккан. Қарама-қарши уйлар орақасидаги асфальт йўлнинг икки четига қарийб 800 метр узунликда металлдан баландлиги 4,5 метр қилиб тикланган ишком бир устининг иши экани сезилиб туради. Агар ишкомни ҳар бир хонадон эгаси ўзича кўтарганда, кимдир профил материалдан, бошқаси арматурадан фойдаланар, чиройли ва бежирим чиқмасди. Уйларнинг орақасида ишком кўтаришга камида 8–10 тонна темир, профил ва анча сими сарфланган. Пайвандловчи усталар ишком ясашга шу қадар меҳр бериб, дид билан ишлагани, кўрган кишининг ҳаваси келади. Эни 7 метрлик асфальтланган йўлдан хоҳ яёв, хоҳ машинада ўтин, беихтиёр ишкомга кўтарилган тоқларга ҳавас билан боқасиз ва осилиб турган шигил-шигил қора, қизил, сарғиш узумларни кўриб, шу атрофдаги уйларда яшаётганлар дидига, маҳоратига, уйдабуронлигига, ҳар қарич ердан самарали фойдаланаётганига тасаннолар айтади.

"Янги рўзгор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мансур Маъмуржоновнинг айтишича, кўчада ишком усулида узумзор барпо этиш ташаббускори Ўткир Раҳимов. У маҳалладаги ўрта мактабда анча йил ўқитувчилик қилган. Шу йилнинг бошида раҳбарлар унинг номзодини Янги рўзгор маҳалласидаги ҳоким ёрдамчиси вазифасига кўрсатишди. Ўтган йили Президентимизнинг тегишли фармонида асосан 2-даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан тақдирланган.

Боғбон ва ҳоким ёрдамчиси Ўткир Раҳимов яшаб турган уйи орақасида тўрт йил илгари металлдан ишком кўтариб, ҳовлисининг қирар жойига узгача фазл киритган. Икки йил илгари эса кўшнларининг уйи орақасидаги кўчада тўлиқ ишком барпо этиш ва узум етиштириш ғоясини ўртага ташлади. Унинг ғоясини қўшнларнинг бирови қўллаб-қувватлаган бўлса, бошқаси имконияти йўқлигини айтди. Тиниб-тинчимайдиган Ўткир ака одамларнинг ҳолатини тушунди. Ишкомга қараб узунлиги 800 метр кўчага ишком қуриш учун кетадиган металл, профил, сим, шунингдек, усталар ҳаражатига пул йиғилди. Ҳаражатнинг бир қисmini Ўткир Раҳимов ўз зиммасига олди. Қўни-қўшнлар ҳам қараб турмади. Қишлоқнинг қаққон, абжир, меҳнатдан қочмайдиган уста йиғилари гоҳ ҳашар қилиб, гоҳ маблағ эвазига тинимсиз уч ой ишлади. Қўни-қўшнлар аҳиллиги шунда намоён бўлди. Қайсидир оила ҳашарчиларга овқат, чай қилиб берди, бошқаси уларга кўмаклашди. Қарабсизки, йўл текисланиб, асфальтланди. Кўчанинг икки четига бетон ариқчалар қилинди. Уйлар атрофига гуллар экилди, ҳар 6-7 метрга ток ниҳоли ўтказилиб, ишкомга кўтарилди. Бугун ишком, унда осилиб турган узум кўча кўрқига кўрк қўшмоқда. Тоқларни хомтоқ қилиш ҳам ҳозирча Ўткир Раҳимов ҳамда икки-уч йилгит зиммасида. Чунки бир кўлдан чиққани яхши-да.

Ўткир Раҳимовга қарашли ўн сотих томорқанинг икки сотихи уй-жой, ошхона, тандирхона, омборхона, ҳаммом ва бошқа иморатлар билан банд. Қолган саккиз сотихида ишком усулида 70 туп ток парваришланяпти. Пишиб тур-

ган шигил-шигил узумни кўриб, ҳавасингиз келади. Ишком тағидида ердан ҳам самарали фойдаланиш мақсадида гўнг солиниб, калифорния чувалчанги кўпайтириляпти. Ҳар квадрат метр ердаги чувалчангнинг баҳоси 800 минг-бир миллион сўм атрофида. Шунинг учун маҳалладагилар Ўткир Раҳимовдан ўрнак олиб, бўш жойларда чувалчанг кўпайтиряпти.

Ўткир аканинг ҳовлисидаги ишкомда ризамат ота, кетмонсопи, келинбармоқ, хусайни каби харидоригр узумлар товланиб турибди. Бундан тўрт йил аввал банкдан олинган 30 миллион сўм кредит ҳисобига ҳовлида шунча иш бажарилган. Ҳар қарич ердан оқилона фойдаланаётган оила бошлигининг айтишича, ўтган йили томорқасида мўмай даромад кўриб, кредитини узган. Бу йил эса ҳосил жуда мўл. Даромад ҳам шунга яраша бўлади.

— Жорий йилнинг бошида яна 100 та оила уйининг орқа томонидаги кўчада ишком барпо этиб, серҳосил ток нави ниҳоллари эқди, — дейди ҳоким ёрдамчиси. — Маҳаллада 1151 та хонадон бўлиб, 6 минг киши яшайди, — дейди МФЙ раиси Мансур Маъмуржонов. — Узун тумани сектор раҳбарлари томонидан ташкил этилган ишчи гуруҳ аъзолари маҳаллабай тизимда хонадонма-хонадон кириб, маҳалла худудида яшовчи халқнинг бандлиги билан қизиқиб, маҳалланинг ўсиш нуқтаси узумчилик ҳамда меблисозлик эканини аниқлашди. Узумчиликни ривожлантириш ва ҳовлиларда ишком усулида тоқзор барпо қилиш учун фуқароларга 1,3 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилган.

Яна узоғи билан икки-уч йил орасида ёш ниҳоллар ҳосилга кириб, оилаларга ҳам мева, ҳам даромад улашади. 200 та хонадон аъзоси эса аввалдан томорқасида узум етиштиряпти.

Маҳалланинг Нурафшон кўчасида бир олам таассурот билан чиққанимизда Мансур Маъмуржонов бизни Жума ота Пирназаров номидидаги кўчага — Холлидин Ботиров хонадонига бошлади. Ўн сотих томорқад ризамат ота, шохона, мерседес, хусайни навли узумларнинг ишком усулида ўстирилгани шигил-шигил ҳосилни кўриб кўзимиз кувнади. Отахоннинг айтишича, томорқада 70 туп, уйининг орқасида 6 туп ток бўлиб, оиладаги ўн жоннинг фаровон турмуш келдириши ҳосилнинг мўлчилигига боғлиқ. Бу йил оилавий боғбонлар 6 тонна узум сотихини чўтламоқда.

— Тоқларни ишкомга кўтарган билан ҳосил ўз-ўзидан кўпаймайди, — дейди тажрибали боғбон Холлидин бобо. — Мўл ҳосил етиштириш учун боғбон меҳнатдан қочмаслиги, эримаслиги керак. Новдаларни хомтоқ қилиш, шира, чанг, оидум ва шўрлаш касалликларига қарши ўз вақтида курашиш лозим. Баъзи одамлар ҳовлисидаги бир туп токни ҳам элполмайди. Ток остига маҳаллий ва маъданли ўғит солиш, мезёрида сўғориш, ривож паст гўраларни ўз вақтида юлиш лозим. Шундагина узум доналари йирқий-йирқиб ва таъми болдек ширин бўлади.

Холлидин бобонинг қўшниси Абдуғаффор Тоҳиров томорқасида 110 туп ток парваришламоқда. 3 метр ишком қилиб кўтарилган узумзор тағида боғбон истаган юмушини бемалол бажара олади. Узумзорда хонадон бекеси Дилфўза

“ МАҲАЛЛА БОҒБОНЛАРИНИНГ СўЗЛАРИГА КўРА, БАЪЗИДА БИР НОВАДА 20–25 БОШ УЗУМ БўЛАДИ. СИЙРАКЛАШТИРИЛМАСА, УЗУМ ДОНАЛАРИ КИЧРАЙИБ, СИФАТИ ПАСАЯДИ ЁКИ УЗУМ БИР-БИРИГА ТЕГИБ ЧИРИЙ БОШЛАЙДИ. БОҒБОНЛАР ҲАР ЙИЛИ СИЙРАКЛАШТИРИШИ МАҚСАДИДА УЗУМНИНГ БИР ҚИСМИНИ ГўРАЛИГИ ПАЙТИ ЮЛИБ МОЛЛАРГА БЕРИШГАН. БУ ЙИЛ ТАЖРИБАКОР БОҒБОНЛАР УЗУМ ГўРАСINI ИСРОФ ҚИЛМАЙ, УНДАН СИРКА ОЛИШНИ СИНОВДАН ўТКАЗМОҚДА. ДЕМАК, КЕЛГУСИДА УЗУМ ГўРАСИ ҲАМ ҚўШИМЧА ДАРОМАД КЕЛТИРАДИ.

опа, икки ўғли — Азамат, Адҳам, келинлари — Хайринисо, Равшаной, қисқаси, уш оила ўн бир ой тиниб билмай ишлади. Натижада узумзор оиладаги ўн жонга мўмай даромад келтирмоқда.

— Ишком усулида ток парваришлаш ҳар жиҳатдан фойдали, — дейди Абдуғаффор боғбон. — Ишкомда токнинг остида бемалол ишлаш, ҳар бир гужум узум, новдалар ҳолатини ҳаммаша кузатиб туриш имконияти бор. Ишкомда тоқлар остидан шамол ўтиб туради, узум чирмайди, камроқ касалланади, хомтоқ қилиш ҳам қулай.

— Бонни янгилаганимизга тўрт йил бўлди, — дейди сўхбатни давом эттириб, уш оила ўн бир ой тиниб билмай ишлади. Чунки кўз темгасин, боғимизда ҳосил жуда мўл. Сабаби, тоқлар бешдан ўтди. Бошқача айтганда, шу пайтгача тоқлар гўдақ эди, энди йилгит ёшига етди, айнаи кучга тўлган даври. Озуқасини, сувини қанда қилмасангиз, касалликларга қарши курашилса,

вақтида хомтоқ қилинса, тоқлар сохибокларини ноумид қилмайди. Узумимиз пишиди, ҳар куни харидор келяпти.

Маҳалла боғбонларининг сўзларига кўра, баъзида бир новода 20–25 бош узум бўлади. Сийраклаштирилмаса, узум доналари кичрайиб, сифати пасаяди ёки узум бир-бирига тегиб чирий бошлайди. Боғбонлар ҳар йили сийраклаштириш мақсадида узумнинг бир қисmini гўралиги пайти юлиб молларга беришган. Бу йил тажрибакор боғбонлар узум гўрасини исроф қилмай, ундан сирка олишни синовдан ўтказмоқда. Демак, келгусида узум гўраси ҳам қўшимча даромад келтиради.

Маҳалла боғбонлари ток қаламчаларини ўзлари тайёрлайди. Ҳар бир боғбон иллага камида уч минг дона қаламча етиштиради. Ёш ниҳолларнинг яридан ўз тоқзорлари хатосини тўлдирдишда фойдалансалар, қолганини сотиб, қўшимча даромад эга бўляпти.

Усмонали НОРМАТОВ,
журналист

МУНОСАБАТ



Эржан КАХЯ,
Тошкент архитектура-қурилиш институти ректори, профессори

Бошланиши 1-бетда

Трансформация орқали муассасанинг олий коллегиал бошқарув органи сифатида кузатув кенгаши, маъмурий масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш ваколатига эга коллегиал ижро органи — бошқарув кенгаши, устувор муаммоли масалаларни ўрганиш, уларнинг самарали ечимини ишлаб чиқиш, ўқув ва илмий жараёни тартибга солиш масалалари бўйича қарорлар қабул қилиш ваколатига эга коллегиал орган — университет кенгаши ташкил этилади.

Таълим тизими илгор хорижий тажрибани чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида жаҳонда тан олинган халқаро таълим стандартлари билан уйғунлаштирилади. Таълим ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш мақсадида ҳар бир кафедрга ишлаб чиқарувчи корхоналар бириктирилади. Олий таълим муассасаси ҳузурида технопарк ва илмий-тадқиқот ишланмалари билан шуғулланадиган марказлар ташкил этилади. Уларда энергиятежамкор қурилиш материаллари ишлаб чиқиш, етакчи компаниялар иштирокида маҳорат дарслари ва амалий тренинглар ўтказиш, илмий-тадқиқот натижаларини тижорийлаштириш мумкин.

Муҳандислик, архитектура, қурилиш ва қурилиш материаллари технологиялари, рақамли қурилиш йўналишларига эҳтиёждан келиб чиқиб, меҳнат бозоридagi рақобатбардор олий маълумотли мутахассислар ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш йўлга қўйилади. Таълим жараёни "фан — таълим — ишлаб чиқариш интеграцияси" тамойили асосида ташкил этилиб, талабалар муҳандислик,

ТАҚДИМОТДА БЕРИЛГАН ВАЗИФАЛАР

салоҳиятли кадрлар тайёрлаш истиқболни белгилайди

лойиҳалаштириш, ишлаб чиқариш ташкилотлари ва илмий тадқиқот муассасаларига бириктирилади.

Тақдимотда олий таълим муассасамизга халқаро тажрибага эга, малакали хорижий мутахассисларни жалб этиш, маҳаллий профессор-ўқитувчиларни чет элга илмий стажировкага юбориш муҳимлиги қайд этилди. Бу борада университет Истанбул техника университети билан таълим ҳамкорлигини йўлга қўяди.

Соҳани ривожлантиришга қаратилган илмий-инновацион тадқиқотларни кенгайтириш ва уларнинг трансфери бўйича самарали тизим шакллантирилади. Илгор муҳандислик билимлари асосида илмий ва илмий-педагог

Муҳандислик ва технология бўйича аккредитация кенгаши (АВЕТ), Миллий архитектура аккредитация кенгаши (НААВ) ҳамда халқаро эътироф этилган шу каби бошқа ташкилотлар аккредитациясидан ўтган хорижий олий таълим муассасалари дастури асосида ўқитиш босқичма-босқич йўлга қўйилади.

Олий таълим муассасамизда таълим жараёни 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб босқичма-босқич давлат тили ва бошқа хорижий тилларда, кредит-модуль тизими (ECTS, US credit, UK credit) асосида олиб борилади. Шунингдек, жорий ўқув йилидан фаолиятимизда "Рақамли университет" тизими жорий этилади.

ва ўқув-методик қўлланмалар, ахборот технологиялари учун дастурлар ва маълумотлар базаларини харид қилиш имкониятини беради.

Олий таълим муассасасида янги бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари, олий таълимдан кейинги таълим бўйича докторантура ихтисосликлари очилади. Илмий даражалар олиш учун нуфузли халқаро университетлар билан ҳамкорликда докторантура таълим дастурлари ташкил этилади.

Келгуси йилдан технопарк фаолияти йўлга қўйилади ва унда илгор хорижий тажрибага асосланган технологик ва инновацион ғояларга йўналтирилган стартап лойиҳалар ривожлантирилади ҳамда амалиётга жорий этилади. Архитектура ва қурилиш соҳасида рақобатбардор энергиятежамкор қурилиш материаллари ҳамда дастурий хизматлар кўрсатишни ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, уларни ички ва ташқи бозорларда илгари суриш, инновацион ишланмалар рағбатлантирилади. Ёш олимларни жалб этган ҳолда миллий ва хорижий ташкилотлар, жумладан, илмий ва таълим муассасалари буюртманомалари асосида технопарк фаолияти йўналишлари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилади.

Шу билан бирга, илгор хорижий тажрибага асосланган технологик ва инновацион ғояларга йўналтирилган стартап лойиҳалар ривожлантирилади. Иқтидорли талабалар тараққиёт этган хорижий мамлакатларнинг нуфузли илмий марказлари, университетлари, технопарклари ва ишлаб чиқариш ташкилотларида малака ошириши учун шарт-шароитлар яратилади.

Қурилиш соҳасида минтақавий ва халқаро эътиборга сазовор бўладиган юқори самарали қурилиш материаллари, ёнғин, сув ва акустика изоляцияси, зарбни тести, структуравий таҳлил мониторингинг, қурилиш материаллари синнов лабораториялари (кластер) мажмуаси ташкил этилади.

Университетга академик ва молиявий мустақиллик берилиши натижасида Осиё ва дунёнинг нуфузли олий таълим ташкилотлари рейтингидан жой олишга эришилади. Тақдимотда кўрсатилган вазифалар бу борада муҳим омили бўлиб хизмат қилади.



кадрлар тайёрлайдиган Олий илм-фан мактаби ташкил этилади.

Хорижий олий таълим муассасалари билан академик мобиллиқни амалга ошириш ҳамда уларнинг битирувчиларига олий маълумот тўғрисида икки томонлама диплом беришга йўл очилади. Шу билан бирга, таълим жараёнига илгор педагогик ва масофавий таълим технологиялари, илм-фан ва техниканинг янги ютуқлари жорий этилади. Талабаларнинг ижтимоий фаоллиги оширилади, иқтидорли, истеъдодли ва ташаббусларини рағбатлантириш ҳамда келгуси касбий фаолиятида ўз ўрнини топишига қўмаклашиш тизими мустаҳкамланади.

Асосий фаолиятдан ташқари уй-жой ҳамда саноат қурилиши бўйича объектлар ва комплексларни лойиҳалаш, лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш, объектларнинг муҳандислик тармоқлари ҳамда тизимларини лойиҳалаштириш, бино ва иншоотларнинг техник ҳолатини текшириш, хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш, тижорийлаштириш фаолияти билан хўжалик асосида фаолият кўрсатиш масалалари ҳам кўриб чиқилади.

Молиявий мустақиллик, биринчи навбатда, ўзини ўзи бошқаришни таъминлаш бўйича жисмоний ва юридик шахслардан, жумладан, хориждан ўқув, илмий адабиётлар, дарсликлар

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС БУЊДҚОРЛАРИ

Мамлакатимизда таълим тизимини янада ривожлантириш масаласи Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасидаги энг асосий вазифалардан бири сифатида белгилаб олинди. Жумладан, 2022–2026 йилларда Халқ таълими тизимини ривожлантириш бўйича миллий дастур қабул қилинди. Мактаб таълимини ислоҳ қилиш бўйича миллий кенгаш ва унинг ҳудудий бўлимлари ташкил этилди. Таълим соҳаси доимий эътиборда экани, унинг барча тизим ва йўналишлари баравар ривожланаётгани ҳамда бу ислохотлар ўз самарасини бераётгани Президентимизнинг ўқитувчи ва мураббийлар кўни муносабати билан соҳа ходимларига йўллаган табриғида яна бир бор таъкидланди.



ЎҚИТУВЧИЛИККА ҚИЗИҚИШ ОШГАНИ БЕЖИЗ ЭМАС

Севара МАХМУДОВА,
"Баркамол авлод" республика болалар мактаби директори, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси тингловчиси



юксалиб бормоқда, касб эгаларининг шарофли ва машаққатли меҳнати рағбатлантириляпти. Бугун малакали тоифага эга муаллимлар сони 300 мингдан ошди.

Таълим тизимини ривожлантиришнинг энг муҳим омил бўлган ўқув дастури ва дарсликлар яратиш бўйича нуфузли халқаро ташкилотлар ва таълим ривожланган бир қанча давлатларнинг тажрибали экспертлари иштирокида илганишлар олиб бориладиган Давлатимиз раҳбари мактабларнинг ўқув дастури, ўқитиш услуби, дарсликлар мазмунини тубдан қайта қўриб чиқиш бўйича бошланган ишларни мантиқий яқунга етказиш зарурлигини таъкидлади.

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизда таълим соҳасида узлуксиз ва самарали тизим яратилди. Унинг ривожини ўзaro узвий боғлиқ замири жараёндан иборат. Агар ана шу замирининг битта ҳалқаси суслашса ёки узилса, соҳа ривожланмаслиги, қутилган натижа кузатилмаслиги мумкин. Шу боис, давлатимиз раҳбари таълим-тарбияни боғдан бошлаб олий таълимгача бир маромда ислоҳ қилиш ва ривожлантириш йўлини танлади. Ўқитишнинг муҳим ҳалқалари бўлган мактабгача, умумий ўрта ва олий таълим жаҳаси бир вақтинг ўзда босқичма-босқич ислоҳ қилинмоқда.

Бугунги даврнинг ўзига хосликлари ҳамда ўткир талабларидан келиб чиққан ҳолда юртимизда ихтисослаштирилган мактабларнинг мулқо янги тармоғи янги ташкил қилинди. Ёшларни замонавий касб-хўналарга ўргатадиган юзлаб мактаблар, IT парклар бунёд этилмоқда. Янги ўқув йилида 51 та янги мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилди, 1660 тасида қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди.



Президентимиз байрам табриғида педагог кадрлар зиммасидаги асосий мақсад ва вазифалар ҳақида тўхталиб, жумладан, бундай деди: "Бизнинг мақсадимиз — Янги Ўзбекистоннинг мактаб битирувчиси замонавий кўникмаларини эгаллаган, ахборот технологияларини пухта ўзлаштирган, креатив фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган, дунёқараши кенг шахс бўлиб шаклланиши зарур". Таълим соҳасидаги ислохотлар том маънода аини шу мақсадга қаратилган. Бунинг учун, энг аввало, пойдевор мустаҳкам бўлиши зарур. Шу сабабли мактабгача таълим тизими ҳам чуқур ислоҳ қилинмоқда. Хусусан, кейинги 6 йилда мактабгача таълим муассасалари сони 5,5 баробар кўпайди, боғчаларга қамров мамлакатимиз миқёсида 70 фоиздан ошди. Ҳақиқат шунки, боғча борган бола билан бормоган бола ўртасида тафовут катта бўлади. Боғча борган бола ўқиш, ўрганишдан тортиб ўзини тутишигача кескин фарқ қилади. Келажакда мактабгача таълимга қамровни оширишдан қутилаётган мақсад-муддао ҳам аслида ана шу.

Социологик тадқиқотлар кўрсатдики, таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш борасидаги ислохотлар самараси ўлароқ, сўнги йилларда абитуриентлар орасида педагогика университетларида ўқишга қизиқиш бир неча мартаба ошган. Бу ҳам бўлса ёшлар шуурига илм-фан зиёсини синдириб, уларни эл-юртга муносиб инсонлар этиб тарбиялаётган заҳматқаш ва олижаноб ўқитувчилар Янги Ўзбекистонда юксак кадр ва эъзоз топаётгани туфайлидир. Зеро, аини пайтда мамлакатимизда соҳага қаратилган эътибор, ғамхўрлик ва рағбат муаллимларни тараққиётимизнинг жадал суръатига мос, замонавий кадрлар тайёрлаш, янги авлоднинг тарбиялашда бор куч, билим ва салоҳиятини сарфлашга ундамоқда.

ТАЪЛИМ ОДИМЛАРИ

БАЛИҚЧИЛИК РИВОЖИГА ИЛМИЙ ЁЊДАШУВ



Абдуллажон ҲАМРОҚУЛОВ,
Астрахань давлат техника университети
Тошкент виллоятидаги филиали ижрочи директори

Президентимизнинг 2022 йил 13 январдаги қарори балиқчилик тармоғини янада ривожлантиришга қаратилгани билан муҳим аҳамият касб этди. Мазкур қарорда 15 та янги балиқчилик кластерини ташкил этиш белгиланган. Ушбу вазифа ижроси учун балиқчилик хўжалигини кластерлаш имкониятлари, уни амалга ошириш механизми, методологияси ва услубий таъминоти тўғрисидаги билимларни шакллантириш узоқ муддатли ривожланишнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Статистик маълумотларга кўра, 2021 йил мамлакатимизда 171 минг 933 тонна балиқ маҳсулотини ишлаб чиқарилган бўлиб, бу 2016 йилга нисбатан 2,5 баравар кўпдир. Ўтган йили дунё бўйича бир истеъмолчига ўртача 21 килограммдан балиқ тўғри келган бўлса, мамлакатимизда бу кўрсаткич 4,9 килограммни ташкил қилди. Ушбу кўрсаткич балиқчилик соҳасида ҳали бажарилиши зарур бўлган ишлар кўплигини кўрсатди.

Бу эса мамлакатимизда тармоққа қўри малакали кадрларни халқаро таълим стандартлари даражасида тайёрлаш, инновацион тараққиётнинг самарали воситаларидан фойдаланган ҳолда давлат, бизнес, фан ва таълимнинг ўзаро тизимли ҳамкорлиги — кластер усулини жорий этишни тақозо қилади.

Президентимизнинг 2018 йил 6 апрелдаги "Балиқчилик тармоғини жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, 2018 йил 3 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги икки томонлама стратегик ҳамкорлик ва иттифоқчилик муносабатларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 июлдаги "Астрахань давлат техника университети билан таълим ҳамкорлиги тўғрисида"ги қарорлари асосида ташкил этилган Астрахань давлат техника университети Тошкент виллоятидаги филиалида ушбу йўналишлар бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Юртимизда балиқчилик тармоғи ривож учун алоҳида таянч олий таълим муассасаси ташкил этилган бежиз эмас, албатта. Мамлакатимиз океан ва денгизлардан узоқда жойлашгани учун

аҳолининг балиқ маҳсулотларига эҳтиёжини таъминлашда баъзи муаммолар мавжуд. Балиқ нафақат мазали озуқа, балки одам организмни учун зарур фойдали элементлар манбаидир. Балиқ оксигенга бой. Унда фосфор, кальций, калий, натрий, мағний каби фойдали элементлар мавжуд. У мия ҳужайралари учун жуда зарур ёғ кислотаси — омега-3 ва омега-6 манбаи ҳамдир. Йод моддасининг кони.

Университет филиали ташкил этилиши юртимиз балиқчилик тармоғи учун катта ютуқ бўлди. Чунки мамлакатимизда балиқчилик хўжалиги бўйича мутахассислар етишмасди. Бу балиқ етиштириш, аҳоли эҳтиёжини таъминлашда қийинчиликни юзга келтирарди. Филиал ташкил этилгани боис, кадрлар етишмовчилиги билан боғлиқ масалага ечим топилади. Бу ерда таҳсил оладиган талаба балиқ етиштириш борасида хорижий илгор ютуқларини ўрганади, ўзи эгаллаган замонавий билимни амалиётга татбиқ этади.

Шу ўринда нега айнан Астрахань давлат техника университети танланди, деган савол туғилиши мумкин. Ушбу олий таълим муассасаси кадрлар тайёрлашда замонавий технологиялардан фойдаланадиган ҳамда мазкур соҳа учун кучли кадрлар тайёрловчи етакчи университетлардан биридир.

Балиқчиликда фаолият юритадиган малакали мутахассисларни етказиб бериш ҳамда филиалда таълим жараёнини самарали ва юқори даражада ташкил этиш мақсадида бош муассасадан 13 нафар профессор-ўқитувчи жалб қилинган. Бундан ташқари, таълим сифатини янада ошириш мақсадида филиалнинг 22 нафар маҳаллий профессор-ўқитувчиси Астрахань давлат техника университетига малака оширди.

Филиалда ўқув жараёни тулиқ рақамлаштирилган. Ҳар бир талабанинг бош муассаса электрон кутубхона тизимларидан чексиз фойдаланишига имконият яратилган. Барча аудиторилар интерактив доска билан жиҳозланган.

Талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётлари Тошкент Ботаника боғи, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, УЭР ФА Зоология институти ва бошқа корхона ҳамда ташкилотларда ташкил этилмоқда. Шу билан бирга, филиал талабаларидан 5 нафари шартнома асосида Германияда амалиёт ўтаб келди.

Филиал балиқчилик кенг ривожланган Испания, Россия, Эрон ва Қозғоғистон каби мамлакатлар билан ақвакултура йўналишида илмий тадқиқотлар олиб бормоқда. Хусусан, ICARDA халқаро ташкилоти, Валенсия политехника университети, Санкт-Петербург давлат иқтисодиёт университети, Умумроссия балиқчилик ва океанография илмий-тадқиқот институти, Л.Н.Гумилёв номидаги Евроосий миллий университети билан илмий тадқиқотлар ўтказиш ва кадрлар малакасини ошириш бўйича самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган.

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

Тасаввуф —

ИЛМ, ФАЛСАФА, ТАРБИЯ ВОСИТАСИ, ЎРГАТУВЧИ ВА БИЛДИРУВЧИ ТАЪЛИМОТ

МАМЛАКАТИМИЗДА СЎНГГИ ЙИЛЛАРДА ТАСАВВУФ ТАРИҚАТЛАРИ ФАОЛИЯТИ ВА ИЛМИЙ-МАЪРИФИЙ МЕРОСИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛАЁТГАН ЮКСАК ЭЪТИБОР АЛОҲИДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

Самарқандда “Марказий Осиё тасаввуф тариқатларининг ижтимоий ҳаётдаги роли” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Анжуман Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Ислом тарихи, санъати ва маданиятини тадқиқ этиш маркази (IRICSA), Аҳмад Ясавий номидаги Қозоғистон — Туркия халқаро университети ва Нур-Муборак Миср ислом маданияти университети ҳузурдаги Абу Ҳанифа илмий-тадқиқот маркази билан ҳамкорликда онлайн форматда ташкил этилди.

Конференция юртимизда диний-маърифий соҳада олиб борилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини маҳаллий ва халқаро жамоатчилик орасида кенг тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилди. Унда Ўзбекистон, Туркия ва Қозоғистондан 20 га яқин эксперт ва олимлар давлатимиз сиёсатида алоҳида ўрин тутган инсон омилли, унинг олий қадрият даражасига олиб чиқилиши тасаввуф фалсафасидаги ҳаётбахш ғоялар каби олижаноб мақсадларга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Аҳмад Ясавий номидаги Қозоғистон — Туркия халқаро университети профессори Досай Кенжетай тасаввуф Марказий Осиё халқлари орасида кенг тарқалиб, одоб-ахлоқ, ор-номус масаласи даражасига чиққанини, замонамизда учраётган ижтимоий муаммолар ечимида ҳам тасаввуф таълимотларидан кенг фойдаланиш имкониятлари мавжудлигини айтиб ўтди.

Гулистон давлат университети профессори Равшанбек Маҳмудов таъбири билан эса тасаввуф — илм, тасаввуф — фалсафа, тасаввуф — тарбия воситаси,

тасаввуф — ўргатувчи, билдирувчи таълимот. Бу таълимот пайдо бўлганидан бошлаб, халқни муштарак мақсадлар сари бирлаштирган, жамиятнинг турли табақалари ўртасида дўстлик, биродарлик ришталарини боғлаган. Шунинг учун ҳам конференция мавзуси бугунги кун талабидан келиб чиқиб, ҳозирги таҳликали замонда тасаввуф маърифати орқали тинчликпарварлик ва инсонийлик ғояларини тарғиб этиш мақсадида танланган.

Аҳмад Ясавий номидаги халқаро мукофот соҳиб, филология фанлари номзоди, доцент Сайфиддин Рафиддин Фиждуювонийнинг бу борадаги давлатларини жуда ўринли келтирди. Хожа Муҳаммад Порсо “Рисолаи қудсийа” асирида ёзишча, Хожа Абдухлоқ Фиждуювоний шундай деган экан: “Хилват эшигини ёп, хизмат эшигини оч! Шайхлик эшигини ёп, дўстлик эшигини оч! Узлат эшигини ёп, суҳбат эшигини оч!”

Тарих фанлари доктори, доцент Нейматулло Муҳаммедов Шайх Хованд Тахурнинг бу борадаги фикрларини эслаб ўтди: “Боригил-да, душманнинг кўнглини топ. Дўстнинг кўнглини синашга эса қандай эҳтиёж бор?!”. Яъни душманнинг кўнглини топиб, тинчлик йўлини тут, дўстларни эса синашга эҳтиёж йўқ, чунки улар бу синовлардан ўтиб бўлган. Агар душман кўнглини ололган бўлсанг, дўстлар қалбига аллақачон йўл топгансан. Бу сузлар ҳақиқий инсонийлик ва олижаноблик туйғуларининг жозибали тарафдоридир!

Абу Ҳанифа илмий-тадқиқот маркази директори, профессор Шамшиддин Карим ўз навбатида минтақа халқлари ўртасида азалий дўстлик алоқалари ҳудудда яшаб ўтган алломаларнинг бой маънавий мероси ила яралган тасаввуф сарнамасидан сув ичганини кайд этди.

Иштирокчиларнинг таъкидлашича, кимнинг халққа манфаати кўпроқ тегса,

“Одамларнинг яхшироғи ўшадир. “Одамларнинг яхшироғи одамларга манфаати тегадигандир” деган ҳадис ҳам бор. Хожа Баҳауддин Нақшбанднинг бу борадаги сузлари қимматли: “Хар ким бир иш билан машғул бўлади. Хар бир инсон дарахт кабудир. Фойдасиз дарахт йўқ. Таъми турлича бўлса ҳам ё мева бермади, ё соясида одамлар дам олади. Ё чироғли ва кўркамлигини кўриб, ибрат назари билан боққанча завқ олади”.

одамларнинг яхшироғи ўшадир. “Одамларнинг яхшироғи одамларга манфаати тегадигандир” деган ҳадис ҳам бор.

Хожа Баҳауддин Нақшбанднинг бу борадаги сузлари қимматли: “Хар ким бир иш билан машғул бўлади. Хар бир инсон дарахт кабудир. Фойдасиз дарахт йўқ. Таъми турлича бўлса ҳам ё мева бермади, ё соясида одамлар дам олади. Ё чироғли ва кўркамлигини кўриб, ибрат назари билан боққанча завқ олади”.

Тасаввуф тариқати вакиллари узлатни рад этиб, ижтимоий фаоллик тарғиботи борасида ўзлари шахсий намуна бўлгани таҳсинга лойиқ Абдухлоқ Фиждуювоний бўз тўқиш, Хожа Ориф Ревгарий деҳқончилик билан шуғулланган. Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий гилкорлик (сувоқчилик), дурадгорлик қилган, тижорат билан машғул бўлган, Хожа Али Ромитаний мато тўқиган. Хожа Бобои Самосий боғларга қараган, Саййид Амир Кулол кулоллик, Ҳазрат Баҳауддин Нақшбанд эса матога нақш босиш билан бирга, гилкорлик ва бошқа хунарлар билан банд бўлган.

Конференцияда тасаввуф улампаларининг ҳар қандай касбда ҳалолликни устун қўйгани алоҳида таъкидланди. Жумладан, фалсафа фанлари номзоди, доцент Акрам Азизкулов инсон фаолиятида ижтимоий фаолликни тарғиб этган Имом Фаззолийнинг ҳадис билан асосланган шарҳларини келтирди: “Ва ҳазрати Расул алайҳиссалом айтиб-дурлар: “Кизи халқдан беҳожат бўлмоқ ва ё ҳамсоя, қариндош-уруғларига манфаат етказмоқ учун дунё ҳалол талаб қилса, ул кишининг юзи қиёмат кунини тўрт кунлик ойдек бўлмай”. Фаззолий

мазкур ҳадис орқали ҳалол меҳнат икки дунё саодатининг асоси эканини таъкидламоқда.

Исломнинг йирик назарий-таълимоти вакили Хусайн Воиз Кошифий ҳам тариқатда текинхўрлик, бировлар ҳисобига кун кечириб мумкин эмаслигини ўқитиб, ҳар бир касбнинг ахлоқий меъёрлари мавжудлигини, меҳнат қилганда уларга риоя қилиш заруратини қайд этди.

Анжуман иштирокчилари тасаввуф тариқатининг мусулмонлар ахлоқи ва дунёқарашини шакллантиришга кучли таъсирдан келиб чиқиб, уларни маънавий озуқа сифатида ёшлар онгига синдириш ҳамда жаҳон бўйлаб кенг тарғиб қилиш эҳтиёжини эътироф этди.

IRICSA бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчи, тарих фанлари доктори, профессор Аширбек Мўминов бугунги кунда тасаввуф илмининг ўрганиш ва кенг тарғиб этишга оид зарурий тақлифларни ўртага ташлади. Билдирилган тақлиф ва мулоҳазалар асосида Марказий Осиё давлатлари олимлари минтақада тасаввуф тарихи ҳали етарлича тадқиқ этилмаган деб ҳисоблаб, бу борада илмий ҳамкорликни давом эттиришга, илмий анжуман ва семинарларни даврий равишда ташкил этишга, тадқиқотларда тақдорларининг олдини олиш ва илмий самардорликни ошириш учун ўрганилаётган мавзуларни мувофиқлаштириб боришга, илмий нашрлар алмашувини йўлга қўйишга келиши олдди.

Конференция материаллари илмий тўплам шаклида нашр этиладиган бўлди.

Отабек МУҲАММАДИЕВ,
Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори ўринбосари, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Конференцияда тасаввуф таълимотининг ҳозирги глобаллашув жараёнидаги ўрни ҳамда ислом тамаддуни тараққиётига таъсир кўрсатувчи омил сифатида тинчликпарварлик, адолатпешалик, гуманизмни тарғиб этишдаги улкан салоҳияти ҳақида сўз борди.

Куръони каримнинг “Исро” сураси 70-оятда: “Батаҳқиқ, биз бани Одамни азизу мукаррам қилиб қўйдик”, деб таъкидланган. Шу сабабли тасаввуф аҳли инсонга иши оламнинг гултожи, қаймоғи деб таъриф берган. Хар бир даврда компл инсон тарбияси долзарб масала бўлиб келган. Тасаввуф тариқати эса бугунги кунда ҳам долзарблигини йўқотмаган бу масалада дастуруламал вази фасини ўташи мумкин.



НУРЛИ МАНЗИЛЛАР

Гул сайли, гуллар фестивали фақат Наманганга хос, деган киши янгилади. Сирдарёга келинг. Гулистонимизда бўлинг. Шаҳримизнинг исми ўзига қанчалар мослигига гувоҳ бўлинг. Гуллар фестивали, қовун сайли, қўли гул хунармандлар яратаётган гўзалликлар кўргазмаси бу гўшада анъанага айланган. Хар бир ишни жондидан қилган сирдарёликлар байрамлар, кўнгилоҷар тадбирларни ўтказишда ҳам ўзига хос ёндашувга эга.

Сирдарёимиз чиндан ҳам ҳавас қилгулик маскан. Айни пайтда бу ердаги улкан ва бемисл ўзгаришлар ақлни шоширади. Бугун янги-янги ташаббуслар майдонига айланган воҳа дунёга юз тутмоқда. Айниқса, Сирдарё эркин иқтисодий зонасининг ишлаб чиқариш қудрати ошиб, яна кўплаб янги корхоналар пайдо бўляпти. Унлаб маҳсулотлари дунё бозорларига киряпти. Ўзгаришлар, юксалишлар шиддати шунчалар тезки, бугун воҳанинг чекка-чекка қишлоқлари ҳам обод. Саноат, қишлоқ хўжалиги, фермерлик, кластер тизимларида янгилаш иш услублари қўл келяпти.

9 та корхона-заводни бирлаштирган “Peng-Sheng” Ўзбекистон — Хитой қўша корхонаси “Сирдарё” эркин иқтисодий зонасида жойлашган. Унда 1600 дан зиёд маҳаллий ишчи хизмат қилади. 60 дан зиёд турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилади. “Мега люкс”, “Сирдарё универсал ойна” қўша корхоналарида аёллар ва ёшлар учун кўплаб иш ўринлари яратилган. Бу корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар хорижга экспорт қилинади.

Сирдарё тумани Сайхунбодга таш. Сайхунбоддаги ўзгаришлар ҳам кишини лол қолдиради. У ердаги “Сайхун планет” мажмуаси бутун вилоят аҳлига хизмат қилмоқда. Энг чекка қишлоқда Гавҳар Ҳусанова исмли маърифатли аёл давлатдан бир миллиард сўм кредит олиб, “Мумтоз” маданият ва маърифат марказини барпо этган. У ташкил қилган кутубхона бугун 10 мингдан зиёд китоб фондига эга. Воҳани айлансангиз, йўл-йўлакай юз берган ўзгаришларни ўз кўзингиз билан кўрсангиз, сирдарёликларга тасанно айтасиз. Россия, Туркия, Чехия,



Германия, АҚШ, Сурия, Хитой, Литва, Италия каби давлатлар сармоядорлари иштирокида қатор қўша корхоналар очилди. Энди уларда экспортбор ва импорт ўринини босувчи турли маҳсулотлар ишлаб чиқариламоқда.

Вилоятда турли миллат вакиллари истиқомат қилади. Улар бир тану бир жон. Юз миллатга ватан бўлган воҳанинг қайси ҳудудига борманг, катта қурилишлар, яратилаётган боғ-роғлар, уйлаётган хирмонлар устидан чиқасиз. Тожикистон билан чегарадош Ховос туманида 30 та замонавий бинони қамраб олган “Ховос сити” сизни лол қолдиради. Боёвут, Гулистон, Мирзаобод, Оқолтин, Сардоба туманлари, Ширин ва Янгиер шаҳарларидаги бунёдкорликлар бир-биридан кам эмас. Қисқа фурсатдаги катта юксалиш,

ўзгаришлардан хайратга тушаман. Сирдарёлик эканимдан фахрлилик кетаман. Бу ернинг одамлари меҳнаткаш, ташаббускор. Воҳа аҳли яна янги-янги ташаббуслар билан чиқмоқда. Унда ўзлари ибрат бўлмоқда. Чунки эришилаётган бебаҳо неъматлар шукронаси шунга ундайди.

Ёшим саксонни қоралаб қолди. Ҳаммасини кўрдик. Чанг кўчалар, кадрланмаган қора меҳнат, яшашдаги қийин, оғир шароит... Таққослайвераман, таққослайвераман. Тўғриси айтсам, кўпчилигимизнинг бугунги кунимизга шукронамиз кам. Эл азиз, инсон азиз бўлиб турган шу кунларимиз қадри қанчалар юксак эканини ҳар доим ҳам англайвермаймиз. Биргина Сирдарёимиздаги ўзгариш, янгилашларни ёзсам, китобларга сиймайди. Камчилик йўқми, дегувчилар бўлар. Камчилик ҳар жойда бор. Бироқ ўша камчиликлар ҳам ўзимизники.

Президентимиз айтмоқчи, уларни четдан биров келиб тўғрилаб бермайди. Элимиз бир экан, кўллар кўллар билан маҳкам экан, эртанги кунимиз эркин, кундузи кўшли, кечаси ойдин бўлади. Мен бунга аминман.

Гулистонимизга келинг. “Мирзаҷўл қовуни” дея доврқ таратган қовундан тотинг, қоқиларидан олинг. Анорларимиз юзингизни қизартиради. Шира боғлаган меваларнинг бари шифобахш. Эккан пахталаримиз энди ўзимизда либосга айлантйриляпти. Уйларимиз буғдойга тўлган. Ризқимиз бутун. Маҳалларимизда тўйлар тўйларга уланмоқда. Элнинг кайфиятида ризолик ҳукмрон. Фарзандларимиз зукко. Эътирози борлар ихтисослаштирилган мактабларга борсин. Ўз болаларимизга ўзимиз лол қоламиз. Бугунги Сирдарё аҳлининг руҳияти бутунлай янгилашиб бормоқда. Энди Сирдарёда бахшичилик бор, мақомчиларининг

СИРДАРЁ НАМУНАСИ — САДОҚАТ НАМУНАСИ



хонишлари кўнгилларни сел қилади. Ўзининг эстрада ва хор оркестри мавжуд. Мусаввирлари катта-катта кўргазмаларда оқори ўринини бошқаларга бермай келади. Тадбиркор қизлари Сирдарё атлас ва адресларини ишлаб чиқара бошлаган. Улар ўзига хос. Бу ипак матоларда дарёмизнинг мавжи, жилваси бор.

Туманимизда мен билан бирга ҳажга бирга борган Раъно хожини уратганимда тўлқинлашиб мана бу гапларни айтиди: “Яқинда Гулистон шаҳрига меҳмонга бораётиб шаҳарга

яқинлашганимизда кўркам, баланд бинолар, кенг ва равон айланма йўлларни, айниқса, кўприк устида ўрнатилган ҳашаматли ёриткичларни кўриб завқланиб кетдим. Кейинги бир-икки йил орасида бу ерга келмаганим учун ўғлимдан бошқа кўчаларни ҳам айлантйришини сўрадим. Шаҳарнинг таниб бўлмас даражада кўркамлашиб кетганини кўриб дилим яйради. Авалпроқ вилоят ва шаҳар ҳокимлиги, маданият маркази биноларидан ташқари бошқа барча кўчаларнинг қурилиши кичикроқ туман марказини эслатадиган ҳолда эди. Ҳозир ўша кўришлар катта-катта шаҳарларга қиёс қилар даражада ўзгарибди. Президентимиз замонамиз қаҳрамонлари, бутун бошли саҳрони гулистонга айлантйрган заҳматкашларнинг зурриёдлари, давомчилари, метин иродали, ташаббускор, баркикенг, меҳмондўст Сирдарё аҳлига, “Сирдарё намунаси — садақат намунаси”, дея бежиз баҳо бермаган.

Сирдарёимизга келинг, ўзингиз гувоҳ бўлинг. Гўзаллик, яхшилик, ибрат қидирганлар борки, уларни, албатта, шу гўшадан топади.

Ҳалима МАЛИКОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашир индекси — 236. Буюртма Г-1064.
80471 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоиси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” наширият-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Хайридинмурод Абулфайзов
Мусаҳҳих: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй